



International
Labour
Organization

Миграция бўйича ОАВ учун глоссарий

Ходимларни адолатли ёллаш ва
мажбурий меҳнат

Ўзбекистон нашри

Муаллифлик ҳуқуқи © Халқаро меҳнат ташкилоти, 2022 йил
Биринчи марта 2022 йилда чоп этилган



Бу Creative Commons Attribution 4.0 International License халқаро лицензияси остида тарқатилган очик нашр (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>). Фойдаланувчилар Лицензияда батафсил кўрсатилганидек, асл нашрни қайта ишлатиши, бўлишиши, мослаштириши ва устида ишлаши мумкин. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) асл нашр эгаси сифатида аниқ эътироф этилиши керак. ХМТ рамздан фойдаланувчиларнинг иши билан боғлиқ ҳолда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Муаллифлик – Нашр қуйидагича ҳавола қилиниши керак: Чарлз Ауteman, Улуғбек Абдурахманов ва Ҳамидулла Ҳамдамов. Миграция бўйича ОАВ учун глоссарий: ходимларни адолатли ёллаш ва мажбурий меҳнат. Ўзбекистон нашри. Москва, Россия: Халқаро Меҳнат Ташкилоти, 2022 йил.

Таржималар – Агар бу нашр таржима қилинган бўлса, муаллифлик билан бирга қуйидаги рад жавоби қўшилиши керак: Бу таржима Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) томонидан қилинмаган ва ХМТнинг расмий таржимаси деб ҳисобланмаслиги керак. ХМТ ушбу таржиманинг мазмуни ва тўғрилиги учун жавобгар эмас.

Мослаштиришлар – Агар бу нашр мослаштирилган бўлса, муаллифлик билан бирга қуйидаги рад жавоби қўшилиши керак: Бу Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) томонидан тайёрланган асл нашрнинг мослаштирилмаси. Мослашувда билдирилган фикрлар ва фикрлар учун жавобгарлик фақат мослаштириш муаллифи ёки муаллифларига юклатилган ва ХМТ томонидан тасдиқланмаган.

Ҳуқуқлар ва лицензиялаш бўйича барча сўровлар ХМТ нашриётига (ҳуқуқлар ва лицензиялаш), 4-1211 Женева 22, Швейцария ёки электрон почта орқали rights@ilo.org электрон манзилига юборилиши керак.

ISBN: 9789220371053 (pdf шаклда)

Шунингдек, инглиз тилида: Media-Friendly Glossary on Migration: Fair Recruitment and Forced Labour. Uzbekistan Edition. ISBN 9789220371039 (pdf шаклда), Россия, Москва, 2022 йил; **рус тилида ҳам мавжуд:** Глоссарий по миграции для СМИ: справедливый набор персонала и принудительный труд. Узбекистанское издание. ISBN 9789220371046 (pdf шаклда), Россия, Москва, 2022 йил.

Ушбу нашр, жумладан, унинг ўзбек ва рус тилларига таржималари қуйидаги манбалардан олинган, мослаштирилган ва кўпайтирилган:

Миграция бўйича ОАВ учун глоссарий: Яқин Шарқ нашри. Бейрут (2017 йил). ISBN 9789220306840 (чоп этилган шаклда); ISBN 9789220306857 (pdf шаклда);

Миграция бўйича ОАВ учун глоссарий: аёл меҳнат муҳожирлари ва аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш, EAW нашри. Тайланд (2020 йил). ISBN 9789220337851 (чоп этилган шаклда); ISBN 9789220337868 (pdf шаклда);

Миграция бўйича ОАВ учун глоссарий: ходимларни адолатли ёллаш ва мажбурий меҳнат. Вьетнам (2021 йил). ISBN: 9789220339305; (чоп этилган шаклда); ISBN 9789220339312 (pdf шаклда).

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти амалиётига мос келадиган ХМТ нашрларида қўлланиладиган белгилар ва уларда баён этилган материаллар ХМТ томонидан бирон-бир мамлакат ёки ҳудуднинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг ҳукумати ёхуд чегараларини делимитация қилиш тўғрисидаги фикрни англатмайди.

Имзоланган мақолалар, тадқиқотлар ва бошқа қўшимчаларда билдирилган фикрлар учун жавобгарлик фақат уларнинг муаллифларига юклатилади ва ҳужжатнинг нашр этилиши ХМТ уларда билдирилган фикрларнинг маъқулланишини англатмайди.

Фирмалар, тижорий маҳсулотлар ва жараёнлар номларига ҳавола қилиш уларнинг ХМТ томонидан маъқулланишини англатмайди ҳамда маълум бир фирма, тижорий маҳсулот ёки жараёни эслатиб ўтмаслик уларнинг маъқулланмаслигини англатмайди.

ХМТ нашрлари ва электрон маҳсулотлари ҳақидаги маълумотни қуйидаги электрон манзилдан олишингиз мумкин: www.ilo.org/publns.

Оммавий ахборот воситалари учун глоссарийнинг контекстуализацияси ва инглиз тилидан ўзбек ва рус тилларига таржимаси учун маблағ Америка Қўшма Штатлари Меҳнат Департаменти томонидан IL-27592-15-75-K—1-сонли ҳамкорлик шартномаси асосида тақдим этилган. «Global Bridge» лойиҳасининг умумий харажатларининг 100 фоизи (18 745 138 АҚШ доллари) АҚШ ҳукумати федерал маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган.

Ушбу материал АҚШ Меҳнат департаментининг қарашлари ёки сиёсатини акс эттирмайди, шунингдек, савдо номлар, тижорий маҳсулотлар ёки ташкилотларнинг эслатиб ўтилиши уларнинг АҚШ ҳукумати томонидан маъқулланишини англатмайди.

Россиянинг Москва шаҳрида чоп этилган.



► Эътироф

Миграция, ходимларни адолатли ёллаш ва мажбурий меҳнат бўйича ОАВ учун глоссарий – Ўзбекистон нашри Халқаро меҳнат ташкилотининг миграция бўйича оммавий ахборот воситалари учун туркум глоссарийларнинг бир қисми бўлиб, ХМТ ва БМТнинг Цивилизациялар Альянси томонидан тайёрланган Миграция бўйича оммавий ахборот воситалари учун глоссарий: Яқин Шарқ нашри ва бошқа кейинги нашрларга асосланган.

Ушбу глоссарий Чарлз Аутемэн, Улуғбек Абдурахманов ва Ҳамидулла Ҳамдамов томонидан мослаштирилган. Глоссарий 2022 йил 20 апрелда Тошкент шаҳрида ўтказилган тасдиқлаш бўйича семинарда якунига етказилди.

Мазкур глоссарий Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган агентлиги – ХМТнинг BRIDGE лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган. BRIDGE лойиҳаси анъанавий ва давлатнинг аралашуви билан юзага келадиган мажбурий меҳнатнинг кўринишларига самарали равишда барҳам беришга ва кўпинча одам савдоси билан боғлиқ бўлган мажбурий меҳнатнинг замонавий шакллари сезиларли даражада камайтиришга қаратилган.

Шунингдек, ушбу глоссарий ХМТнинг “Адолатли ишга ёллаш” ташаббуси ва Барқарор ривожланишнинг 8.7 мақсади ҳисобланган бутун дунёда “мажбурий меҳнатни тугатиш, замонавий қуллик ва одам савдосига барҳам бериш ҳамда болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилиш” га эришишга ўзининг ҳиссасини қўшади. Бундан ташқари, у меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда барча ходимлар, шу жумладан меҳнат муҳожирлари учун хавфсиз ва ҳимояланган меҳнат шароитларини таъминлаш, шунингдек, одамларнинг тартибга солинган, хавфсиз ва бошқариладиган миграцияси ва мобиллигини таъминлаш бўйича Барқарор ривожланишнинг тегишинча 8.8 ва 10.7 мақсадларини амалга ошишига ёрдам беради.

Глоссарий муаллифлари ва кўрсатилган турли манбалар муаллифлари фақат унинг мазмуни учун жавобгар ҳисобланади, ушбу нашрда билдирилган фикрлар ХМТнинг расмий позициясини акс эттирмайди.

▶ Кириш

Миграция, ходимларни адолатли ёллаш ва мажбурий меҳнат бўйича ОАВ учун глоссарий – Ўзбекистон нашрига хуш келибсиз. Мазкур глоссарий Ўзбекистондаги меҳнат миграцияси, айниқса ишга ёллаш ва мажбурий меҳнат контекстидаги меҳнат миграцияси ҳақида ёзадиган журналист, тадқиқотчи, тренер ва бошқалар учун қўлланма бўлиб хизмат қилади. Меҳнат муҳожирлари тўғрисида жамиятда салбий фикр мавжуд бўлган бир пайтда, миграция билан боғлиқ атамалардан фойдаланишда юзага келиши мумкин бўлган чалкашлик ва тушунмовчиликларга йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга. Глоссарийдан фойдаланувчилар [“Мажбурий меҳнат ва кадрларни адолатли танлаш мавзусида материал тайёрлаш: ХМТнинг Ўзбекистондаги журналистлар учун йўриқномаси”](#) дан ҳам фойдаланишлари мумкин.


Глоссарийнинг ушбу версияси махсус Ўзбекистон контекстига мослаштирилган ва меҳнат миграциясига оид умумий атамаларни ҳам, Ўзбекистондаги меҳнат миграциясини тавсифлайдиган тегишли атамаларни ҳам ўз ичига олади.

Ушбу глоссарийдаги атамалар алифбо тартибида келтирилган.

Меҳнат миграциясини тўғри таърифлаш учун сўз ёки атамалардан фойдаланиш бўйича консенсусга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади ва бунда ушбу атамалар:

- ▶ Меҳнат муҳожирларини камситмаётганлиги;
- ▶ Уларнинг меҳнати ёки жамиятга қўшаётган ҳиссасини қадрсизлантирмаётганлиги;
- ▶ Меҳнат муҳожирлари ишдан кетганда ёки расмий мақомга эга бўлмаганда жинсий хатти-ҳаракатларни содир этиши мумкинлигига ишора қилмаётганлиги;
- ▶ Ишчиларни иши, ижтимоий ёки иқтисодий жиҳатдан келиб чиқиши, жинси, этник келиб чиқиши ёки зўравонликдан омон қолганлик мақомига асосланган ҳолда қораламаслигига ишонч ҳосил қилиш керак.

Мажбурий меҳнат ва ишга адолатли ёллаш масаласига келганда шуни тушунишимиз керакки, ушбу глоссарийда келтирилган атамаларнинг ҳаммасини ҳам таърифи миллий ёки халқаро ҳуқуқда мавжуд эмас. Ҳар қандай мақоланинг тадқиқот босқичида фойдаланиладиган атамаларнинг таърифини тушуниш ва энг муҳими, атаманинг барча учун тушунарли бўлган таърифи бўлмаганда, ушбу атамалар халқ томонидан қандай талқин қилиниши мумкинлигини тушуниш муҳимдир. Умуман олганда, миграция бўйича мунозаралар тобора салбий тус олмоқда. Бизнинг сўзларимиз ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ аҳамиятга эга. Ушбу глоссарийдан изоҳлар дискриминацион ёки ғазабни келтирувчи характерга эга эмаслигига, уларнинг тўғри эканлигига ва сиз ёзаётган миграциянинг турли жиҳатларига тегишли барча масалалар қамраб олинганлигига ишонч ҳосил қилиш



учун фойдаланинг. Сўзлар жамоатчилик фикри устидан ҳокимият кучига эга, шунинг учун биз уларни диққат билан танлашга масъулмиз.

Терминология, хусусан, меҳнат миграцияси мавзусидаги атамалар динамик хусусиятга эга эканлигини қайд этган ҳолда, ушбу глоссарийга “яшаётган” ҳужжат сифатида қаралиши ва вақти-вақти билан янгиланишини тушунишимиз керак. Илтимос, ҳар қандай шарҳ ёки саволингизни moscow@ilo.org электрон манзилига юборинг.

▶ Мундарижа

- ▶ **Эътироф**
- ▶ **Кириш**
- ▶ **Мундарижа**

А

Алдов	14
Аралаш миграция	14
Ақлларнинг сизиб чиқиб кетиши	15
Ақлларнинг қайтиши	15
Аҳоли бандлигига қўмаклашиш маркази	15

Б


Базавий хизматлар	15
Бирлашиш эркинлиги	16
Бировни парваришлаш билан боғлиқ иш	16
Болалар меҳнати ва болалар меҳнатининг оғир шакллари	17
Болалар савдоси	18
Борадиган мамлакат/борадиган манзил	19
Бошпана изловчи	19

В

Виза	20
Виктимблейминг	20
Воситачи	20

Г

Гендер	21
Гендерга асосланган зўравонлик ва таъқиб	22
Гендер кўрлик	22
Гендер муаммолари ҳисоби	22
Гендер-сезгир	23



Гендер тенглик	23
Гендер факторлари ҳисоби	23
Глобал таъминот занжири	23

Д

Давлат бандлик хизматлари/ишга ёллаш бўйича давлат хизматлари	24
Депортация	25
Диаспора	26
Дискриминация	26

Ж

Жабрланувчи	27
Жамоа музокаралари	27
Жиноят тўғрисида ариза	28
Жинс	28
Жинсий алоқа индустрияси/жинсий алоқа индустрияси ишчиси	29
Жинсий зўравонлик	29
Жинсий таъқиб	30
Жинсий таҳқирлаш	30
Жинсий эксплуатация	31
Жисмоний ва жинсий зўравонлик	31

З

Заифликни суиистеъмол қилиш (мажбурий меҳнатга олиб келадиган вазиятларда)	32
Замонавий қуллик (-> Қуллик)	32
Зўравонлик ва таъқиб	33

И

Ижтимоий таъминот	33
Изоляция	34
Икки томонлама келишувлар	34
Иммигрантларни ҳибсда сақлаш	35
Инсон ҳуқуқлари	35
Ирқчилик (-> Ксенофобия)	36
Ихтиёрий репатриация	36

Иш берувчи	36
Иш вақтидан ташқари ҳаддан зиёд иш	36
Ишга ёллаш бўйича агент	37
Ишчи кучини тақдим этиш шартномаси (-> Ҳамкорлик тўғрисида келишув)	37
Ишга ёллаш	38
Ишга ёллашга оид тўловлар ва шунга оид харажатлар	39
Иқтисодий жиҳатдан суиистеъмол қилиш	40
Иқтисодий зўравонлик	40
Иқтисодий муҳожир	40
Иш олами	41
Иш ҳақини ушлаб қолиш	41

К

Касаба уюшмаси	42
Касб касаллиги	42
Келиб чиқиш мамлакати	42
Комплаенс бўйича шахсий ташаббуслар	43
Консуллик функциялари	43
Консуллик ҳимояси ва ёрдами	44
Контрабанда	44
Кредитор	44
Ксенофобия	45
Кўнгилочар соҳасидаги иш/кўнгилочар соҳасидаги ишчи	45

М

Мавсумий ишчи (-> Шартнома бўйича вақтинчалик ишчи)	46
Мажбуран кўчирилган шахслар	46
Мажбурий ва ихтиёрий миграция	47
Мажбурий меҳнат	47
Мажбурий меҳнат индикаторлари	48
Малакасиз ишчи (->Паст иш ҳақи ва паст малакали ишчи кучи)	49
Мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш	49
Мақсадли гуруҳ	50
Меҳнат бозори	50
Меҳнат бозорининг мобиллиги	50

Меҳнат миграцияси	50
Меҳнат муҳожирлари	51
Меҳнат муҳожирлари учун ресурс марказлари	52
Меҳнат стандартлари	52
Меҳнат фаолиятини амалга оширишга рухсатнома	53
Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси	53
Меҳнат ҳақининг энг кам миқдори	53
Меҳнатга ҳақ тўлашдаги дискриминация	54
Меҳнат эксплуатацияси	54
Миграция коридори	54
Муносиб меҳнат	55
Муҳожир	55

Н

Низом	56
Норасмий иқтисодиёт	56
Ноқонуний мақомга эга муҳожир (-> Расмий мақомга эга бўлмаган муҳожир)	56
Ноқонуний миграция (-> Хужжатлаштирилмаган миграция)	56
Ноқонуний муҳожир (-> Расмий мақомга эга бўлмаган муҳожир)	57
Ноқонуний фойда	57

О

Одам савдоси	58
Одил судловга эришиш	58
Омон қолганлар	59
Омон қолганларга мўлжалланган ёндашув	60
Оғир иш ва яшаш шароитлари (мажбурий меҳнатга олиб келадиган вазиятларда)	60

П

Паст баҳоланган иш	61
Паст иш ҳақи ва паст малакали ишчи	61
Паст иш ҳақи ва паст малакали ишчи кучи	62
Психологик зўравонлик	63
Психологик тазйиқ	63

▶ Миграция бўйича ОАВ учун глоссарий	11
Пул ўтказмалари	63
Р	
Расмий мақомга эга бўлмаган муҳожир	64
Розилик	65
С	
Сафаролди таништирув тренинги	65
Т	
Таъқиб (-> Зўравонлик ва таъқиб)	66
Тенг имкониятлар	66
Тирикчилик учун энг кам миқдор	66
Транзит мамлакати	67
Тўлиқ текширувдан ўтказиш	67
У	
Уй зўравонлиги	68
Уй меҳнати ва уй ишчиси	68
Ф	
Фоҳишалик/фоҳиша (-> жинсий алоқа индустрияси/жинсий алоқа индустрияси ишчиси)	69
Фуқаролиги бўлмаган шахс	69
Фуқаролик (ёки миллати)	70
Х	
Хавф-хатар	71
Халқаро меҳнат стандартлари	71
Ходимларни адолатли ёллаш	71
Хусусий бандлик агентлиги/хусусий ишга ёллаш агентлиги	72
Ц	
Циркуляр миграция	73

Ч

Чегара ишчилари	73
Чет элда бандликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	73

Ш

Шартномани ўзгартириш	74
Шартнома бўйича вақтинчалик ишчи	75
Шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар, йўл ва иш ҳужжатлари	75
Шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни ушлаб туриш	76
Шикоят қилиш механизми	76

Э

Экологик қўчирилган шахс	77
Эксплуатация	78
Этика қоидаларига мувофиқ ходимларни танлаш	78

Ў

Ўзаро англашув меморандуми	79
----------------------------	----


Қ

Қабул қилувчи мамлакат (-> Борадиган мамлакат/борадиган манзил)	79
Қайтиш ва қайта мослашув	79
Қарам меҳнат (-> Қарз қуллиги)	80
Қарз қуллиги	80
Қолиб кетган муҳожирлар	81
Қонуний мақомга эга меҳнат муҳожирлари	81
Қонуний миграция	81
Қочоқ	81
Қуллик (-> Замонавий қуллик)	82
Қўрқитиш ва таҳдидлар	82

Ҳ

Ҳамкорлик тўғрисида келишув (-> Ишчи кучини тақдим этиш шартномаси)	83
Ҳаракатнинг чекланиши	83
Ҳаракат эркинлиги	84

▶ Миграция бўйича ОАВ учун глоссарий	13
Ҳимоя	84
Ҳужжатлаштирилган меҳнат муҳожир	84
Ҳужжатлаштирилган миграция	85
Ҳужжатлаштирилмаган миграция (-> Ноқонуний миграция)	85
Ҳужжатлаштирилмаган муҳожир (-> Расмий мақомга эга бўлмаган муҳожир)	85
▶ Миграция фотожурналистикаси бўйича йўриқнома	
▶ Миграция масалалари бўйича гендер-сезгир репортаж	
▶ Травма қурбонлари билан ишлаш	



А

Алдов

(Манба: ХМТ, 2012 йил. Мажбурий меҳнат индикаторлари; Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги қонуни, 2018 йил)

Алдов ваъда қилинган нарсани бажармасликда ифодаланади. Меҳнат миграцияси контекстида кўпинча ишчига иш ёки меҳнат шартлари ҳақида оғзаки ёки ёзма равишда нотўғри маълумот беришни назарда тутди. Мажбурий меҳнат қурбонлари ва бундай меҳнатдан қутулганларга муносиб ва яхши маошли ишга ёлланиши тўғрисида ваъдалар берилиши мумкин. Аммо, улар ишни бошлагандан кейин ваъда қилинган иш шароитлари яратилмайди, ишчилар эса қутулиш қийин бўлган шафқатсиз шароитларда қолиб кетишади. Ваҳоланки, ишчилар олдиндан билганларида бундай иш шароитларида ишлашга ўз розилиklarини эркин бермаган ва бундай таклифни қабул қилмаган бўлар эдилар.

Ишга алдов йўли билан ёллаш амалиёти меҳнат шартлари ва иш ҳақи (қаранг: [шартномани ўзгартириш](#)) тўғрисида, шунингдек, иш тури, уй-жой ва яшаш шароитлари, қонуний миграция мақомига эга бўлиш, иш жойи ёки [иш берувчининг](#) шахсига оид ёлғон ваъдалар ёки рекламаларни ўз ичига олиши мумкин. Болалар ҳам уларга ёки ота-оналарига ёлғон ваъдалар бериш орқали ишга ёлланишлари мумкин, бунда алдов уларга мактабга бориш ёки ота-оналари томонидан уларнинг ҳолидан хабар олиш ёки аксинча масалаларда намоён этади.

Ўзбекистон қонунчилигига кўра, барча томонларга ёлғон реклама қилиш, ёлғон маълумотларни тақдим этиш ёки ишчиларни алдаш учун бошқа ҳийланайранглари қўллаш, шунингдек, ишчиларни чет элга ноқонуний олиб чиқиб кетиш, одам савдоси, эксплуатация, мажбурий меҳнат ёки бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида чет давлатларда жойлаштириш тақиқланади.

Аралаш миграция

Аралаш миграция оқимларининг асосий характеристикалари бундай ҳаракатларга туртки берувчи омилларнинг кўплиги ва бу жараёнда иштирок этаётган шахсларнинг турли хил эҳтиёжлари ва мотивацияларини ўз ичига олади. Кўпгина миграция оқимлари турли сабабларга кўра ҳаракатда бўлган, бир хил йўналиш ёки ҳаракат усулларидадан фойдаланадиган ҳамда турли эҳтиёж ва профилларга эга бўлган одамларни ўз ичига олади. Уларга қочоқлар, бошпана изловчилар, бошқа мажбуран кўчирилган шахслар, контрабанда йўли билан олиб кирилган шахслар,

иқтисодий муҳожирлар, одам савдоси қурбонлари ва қолиб кетган муҳожирлар кириши мумкин. Шунингдек, миграция жараёнида одамлар ушбу тоифалар орасида ҳаракат қилишлари мумкин. Мураккаб миграция динамикасини эътироф этишга заруратнинг тобора ортиши “аралаш миграция” тушунчасининг пайдо бўлишига олиб келди. Ушбу аралаш миграция оқимлари миграция ва бандлик сиёсати учун бир мунча қийинчиликни туғдиради, чунки сиёсий режимлар муҳожирларни алоҳида тоифалар бўйича таснифлаб, уларнинг мамлакатга киришини осонлаштиради ҳамда шунга мос равишда ҳуқуқларини белгилайди.

Ақлларнинг сизиб чиқиб кетиши

Малакали шахсларнинг одатда юқори иш ҳақи ёки яхши иш шароитлари учун [келиб чиқиш мамлакатидан](#) бошқа мамлакатга эмиграцияси.

Ақлларнинг қайтиши

Малакали шахсларнинг белгиланган мамлакатга иммиграцияси. Шунингдек, [“ақлларнинг сизиб чиқиб кетиши”](#) нинг акси деб ҳам аталади.

Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази


Қаранг: [давлат бандлик хизматлари/ишга ёллаш бўйича давлат хизматлари](#).

Б

Базавий хизматлар

(Манба: БМТ Аёллар қўмитаси, ЮНФПА, Бутунжаҳон ССТ, БМТ ТД ва БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси, [Зўрланган аёллар ва қизлар учун базавий хизматлар тўплами](#), 2015 йил)

Базавий хизматлар одатда, жисмоний ва жинсий зўравонлик қурбони бўлган аёллар ва қизларнинг эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган хизматлардир. Буларга ишонч телефонлари, тиббий хизмат, шу жумладан жинсий зўрланганларга ғамхўрлик қилиш; кризис ҳолатларида маслаҳат бериш ва мутахассисларга йўналтириш; бошпана ва хавфсиз уй-жой олиш; хавфсизлик ва полиция



ҳимоясини таъминлаш; одил судловга эришиш, ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам олиш имконияти киради.

Бирлашиш эркинлиги

(Манба: ХМТнинг 1948 йилдаги “[Бирлашиш эркинлиги ва бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида](#)”ги 87-сонли Конвенцияси; Ўзбекистон Республикасининг “[Касаба уюшмалари тўғрисида](#)”ги Қонуни (2020 йил); Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси)

Бирлашиш эркинлиги инсоннинг фундаментал ҳуқуқи ҳисобланади. Бандлик соҳасида ходимлар ва иш берувчилар ҳеч қандай фарқлашсиз ва фақат тегишли ташкилотларнинг қоидаларига риоя қилган ва олдиндан рухсат олмаган ҳолда ўзлари танлаган ташкилотларни тузиш ва уларга қўшилиш ҳуқуқига эгадирлар. Ходимларнинг манфаатларини таъминлайдиган ва ҳимоя қиладиган ташкилотлар касаба уюшмалари деб номланади. Ходимлар касаба уюшмалари сабабли дискриминацияга дуч келмаслиги, хусусан, касаба уюшмаларига аъзо бўлганликлари ёки касаба уюшмалари фаолиятида иштирок этганликлари сабабли уларни ишга олишни рад этишдан ҳимояланган бўлишлари керак. Халқаро даражада ходимлар ва иш берувчиларнинг тегишли ташкилотларни тузиш ва уларга қўшилиш ҳуқуқи Ўзбекистон томонидан 2016 йилда ратификация қилинган ХМТнинг 1948 йилдаги “[Бирлашиш эркинлиги ва бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида](#)”ги 87-сонли Конвенциясида мустаҳкамланган.

Ўзбекистонда Меҳнат кодексига кўра, ҳам ходимлар ва ҳам иш берувчилар бирлашиш ҳуқуқига эга. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонунига кўра, ходимлар ҳеч қандай тафовутсиз ўз танловига кўра ва олдиндан рухсат олмай туриб, ихтиёрий равишда касаба уюшмаларини тузиш ҳуқуқига, шунингдек касаба уюшмаларига уларнинг уставларига риоя этиш шарти билан аъзо бўлиш ҳуқуқига эгадирлар.

Қаранг: [жамоа музокаралари](#) ва [касаба уюшмаси](#).

Бировни парваришлаш билан боғлиқ иш

(Манба: ХМТ, 2018 йил. Бировни парваришлаш билан боғлиқ иш ва касб келажакдаги муносиб иш сифатида)

Бировни парваришлаш билан боғлиқ иш кенг маънода катталар ва болалар, кексалар ва ёшлар, заиф ва меҳнатга лаёқатли шахсларнинг жисмоний, психологик ва ҳиссий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган фаолият ва муносабатлардан иборат бўлган ишдир. Чақалоқлар ва ёшлар, кексалар, касаллар ва ногиронлиги

бўлган шахслар, ҳатто катта ёшдаги соғлом кишилар ҳам жисмоний, психологик, когнитив ва ҳиссий эҳтиёжларга эга ва турли даражадаги ҳимоя, парвариш ёки қўллаб-қувватлашни талаб қилади.

Болалар меҳнати ва болалар меҳнатининг оғир шакллари

(Манба: ХМТнинг [“Болалар меҳнатининг оғир шакллари ни тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида”ги 182-сон Конвенцияси](#), 1999 йил; Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси)

“Болалар меҳнати” атамаси кўпинча болаларни уларнинг болалигидан, салоҳиятидан ва қадр-қимматидан маҳрум қиладиган, жисмоний ва ақлий ривожланишига зарар етказадиган иш сифатида таърифланади. Бундай иш:

- ▶ болалар учун ақлий, жисмоний, ижтимоий ёки маънавий жиҳатдан хавфли ва зарарли ҳисобланади;
- ▶ уларнинг мактабдаги ўқишига қуйидаги ҳолларда халақит қилади:
 - ▶ мактабга бориш имкониятидан маҳрум қилади;
 - ▶ мактабни муддатидан олдин тарк этишга мажбурлайди;
 - ▶ мактабдаги ўқишни ҳаддан ташқари узоқ муддатли ва оғир ишлар билан биргаликда олиб боришни тақозо қилади.

Болалар томонидан бажарилган барча ишларни болалар меҳнати сифатида таснифлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган ҳаракат унчалик ҳам тўғри ҳисобланмайди. Болалар ва ўсмирларнинг соғлиғи ва шахсий ривожланишига таъсир қилмайдиган ёки мактабда ўқишига халақит бермайдиган ишларда иштирок этиши одатда ижобий ҳол сифатида қабул қилинади. Бунга ота-оналарига уй ишларига, оилавий тадбиркорликка ёрдам бериш ёки ўқишдан ташқари вақтда ёхуд таътил вақтида чўнтак пулини топишга қаратилган ишлар киради. Бундай ишлар болаларнинг ривожланиши ҳамда оиласи фаровонлигига ҳисса қўшади, уларга кўникма ва тажриба орттириш имконини беради ҳамда балоғат ёшида жамиятнинг муҳим аъзоларидан бири бўлишга ёрдам беради.

Болалар меҳнатининг энг оғир шакллари мажбурий меҳнатга жалб қилинган, ўз оиласидан ажратилган ва/ёки кўпинча жуда эрта ёшда жиддий хавф-хатар ва касалликларга дучор бўлган болаларни қамраб олади. “Меҳнат”нинг алоҳида шакллари “болалар меҳнати” деб аташда боланинг ёши, бажарилган иш тури, унинг давомийлиги, қандай шартлар асосида бажарилганлиги ҳамда мамлакатлар томонидан кўзланган мақсадлар инobatга олинади. Бунда вазиятни баҳолашда бир мамлакат иккинчи мамлакатдан, шунингдек, мамлакатлар ичидаги секторлар бир-биридан фарқ қилишини инobatга олишимиз керак.



ХМТнинг 1999 йилдаги “Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисида”ги 182-сон Конвенциясига кўра, мажбурий меҳнат болалар меҳнатининг оғир шакллари билан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигига мувофиқ, ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади. Ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун мактаб ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

Қаранг: [мажбурий меҳнат](#).

Болалар савдоси

(Манба: БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протоколи; Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, 2020 йил)

БМТнинг Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протоколида болалар савдоси уларни [эксплуатация](#) қилиш мақсадида ёллаш, ташиш, кўчириш, бошпана бериш ёки уларни қабул қилишни англатади. Болалар савдоси болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилади ҳамда уларга ўз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилади. Протоколга кўра, 18 ёшга тўлмаган ҳар қандай шахс бола ҳисобланади.

Болалар савдоси балоғат ёшидаги одамлар савдосидан фарқ қилади, чунки болалар савдосининг асосий белгилари ҳаракат ва мақсад бўлса, балоғат ёшидаги одамлар савдосида бундай белгилар ҳаракат, восита ва мақсадда ифодаланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига кўра, болалар савдоси «одам савдоси» деган тушунчада кўрсатилган таъсир ўтказиш воситаларидан фойдаланилган-фойдаланилмаганлигидан қатъи назар, ҳар қандай ҳаракат ёки битим бўлиб, улар воситасида вояга етмаган шахс ота-онаси, бошқа қонуний вакили ёки ўзга шахс томонидан қонунга хилоф равишда ундан фойдаланиш мақсадида ёхуд моддий ёки бошқа наф олиш мақсадида бошқа шахсга ҳақ эвазига берилиши ҳисобланади.

Қаранг: [одам савдоси](#).


Борадиган мамлакат/борадиган манзил

“Борадиган мамлакат” ёки “белгиланган мамлакат” ёхуд “борадиган манзил” атамаси [меҳнат муҳожир](#) яшаш ва ишлаш ниятида бўлган мамлакатни англатиш учун энг нейтрал ва аниқ атама ҳисобланади.

Ушбу атамалар “меzbон мамлакат” ёки “қабул қилувчи мамлакат” атамаларидан афзалроқдир, чунки сўнги икки атама муҳожирларнинг шунчаки меҳмонлигини ва уларнинг қолишлари таклифномага ёки меzbонлар томонидан амалга ошириладиган харажатга боғлиқлигини англатади. “Меzbон мамлакат” атамаси, шунингдек, “муҳожирлар имтиёзлар ва хизматлардан фойдаланади, бироқ ҳеч қандай ҳисса қўшмайди”, деган фикрни ҳам уйғотади. Миграция муҳокамаси [УНСОН ҳуқуқларига](#) мос келишини таъминлаш мақсадида ижтимоий таъминот каби имтиёзлар, таълим, соғлиқни сақлаш ёки бошпанага оид хизматлар яхши ният белгиси эмас, балки уларнинг ҳуқуқи эканлигини тан олиш керак. Муҳожирлар нафақат меҳмондўстликни қабул қилувчи шахслар, балки уларнинг борадиган мамлакатда бўлишлари ушбу мамлакат иқтисодиёти ва жамиятига ҳисса қўшишини қайд этиш жоиз. Бундан ташқари, кўпгина жойларда борадиган мамлакатлар меҳмондўст бўлмаслиги мумкин, аксинча, меҳнат муҳожирини чекловчи шартларни қабул қилишга мажбурлаши ва бошқа фуқаролар фойдаланадиган ҳуқуқлардан маҳрум қилиши мумкин.

Бошпана изловчи

Бошпана изловчи – бу халқаро ҳимояга интилаётган шахс ҳисобланади. Бошпана изловчи шундай одамки, унинг бошпана сўраш тўғрисидаги мурожаати кўриб чиқилиши тегишли давлат томонидан якунига етказилмаган ҳисобланади. Ҳар бир бошпана изловчи охир-оқибат қочоқ сифатида тан олинмайди, лекин ҳар бир қочоқ дастлаб бошпана изловчи бўлади. Кўпгина ҳолларда қочоқлар ва бошпана изловчиларга ҳуқуқий мақоми ноаниқ бўлган меҳнат муҳожирлари сифатида муомалада бўлишади ва айнан шу сабабли улар ўзбошимчалик билан ушлаб турилиши, ҳибсга олиниши ва депортация қилиниши мумкин.



В

Виза

Виза – у ёки бу мамлакат фуқароси бўлмаган шахсга ушбу мамлакат ҳокимиятлари (одатда элчихона ёки консуллик бўлими) томонидан мамлакатга киришга рухсат берувчи паспорт ёки шунга ўхшаш ҳужжатга қўйиладиган белги.

Виктимблейминг

“Виктимблейминг” зўравонликнинг барча шаклларида маълум даражада мавжуд. Зўравонлик ва эксплуатацион ҳодиса ҳақида эшитганимизда ён-атрофимиздаги дунё хавфсизлигини шубҳа остига қўймаслик учун биз омон қолганнинг хатти-ҳаракатини ўрганиб чиқишимиз мумкин ва ўзимизни ишонтиришимиз мумкинки, агар биз шунга ўхшаш хавф ва хатти-ҳаракатлардан (масалан, кечки пайт кўчада ёлғиз қолиш, муайян ҳудудларга кириш, эшикни очиқ қолдириш, “провокацион” тарзда кийиниш) қочсак, бундай вазиятларга тушмаслигимиз мумкин. Бироқ, психологик ўзини ўзи ҳимоя қилишнинг бундай табиий ҳаракати эътиборимизни омон қолганнинг тахминий жавобгарлигига қаратади ва биз жиноятчининг хатти-ҳаракатига эътибор бермаслигимиз мумкин. Айбни зўравонликдан [омон қолган](#) аёлга тўнкаш орқали, биз эътиборимизни унга нисбатан қўлланилган зўравонликнинг замирида ётган таркибий сабаблар ва тенгсизликларга эмас, балки жабрланувчи ва унинг хатти-ҳаракатларига қаратамиз.

Воситачи

(Манба: ХМТ, 2018 йил. Уй меҳнатини қонунийлаштиришда воситачилар ролининг тушунчасини шакллантириш)

“Воситачи” атамаси [меҳнат муҳожирининг](#) шахсий меҳнат миграцияси жараёнида иштирок этувчи ҳар қандай шахс ёки ташкилотни назарда тутаяди ва у на меҳнат муҳожирини, на унинг иш берувчисини ҳисобланади. Шу маънода, воситачиларга тартибга солиниши зарурати бўлган, харажат, бюрократия ҳамда меҳнат муҳожирлари ва иш берувчиларни қўллаб-қувватловчи қўшимча восита сифатида қаралиши мумкин. воситачиларнинг роли ва улар бажарадиган функциялар меҳнат муҳожирлари учун ҳам салбий, ҳам ижобий бўлиши мумкин.

Миграция жараёнида воситачиларнинг роли ижобий бўлган тақдирда, у қуйидаги функцияларни ўз ичига олиши мумкин:

- ▶ Бўлажак меҳнат муҳожирлари ва иш берувчилар ўртасида иш юзасидан келишиш жараёни самарадорлигини ошириш бўйича ишлар;
- ▶ Меҳнат муҳожирларини ёллаш билан шуғулланадиган ишчи кучини ривожлантиришга ихтисослашган идораларнинг иш берувчиларнинг талабларини қондириш бўйича имкониятларини яхшилашга оид ишлар;
- ▶ Ходимлар ва инсон ресурслари хизматларини ўз ичига олган иш.

Бироқ, воситачилар меҳнат муҳожирларига салбий таъсир кўрсатишлари мумкин, масалан: ишга қабул қилишда иштирок этувчи шахслар сонини кўпайтириш орқали миграция харажатларини сезиларли даражада ошириш, ишчилар ва иш берувчилар зиммасига қўшимча маъмурий юкларни юклаш ёки “гиг-иқтисодиёт” даги рақамли меҳнат платформаларида меҳнат муҳожирлари бандлик агентликлари орқали олиш ҳуқуқига эга бўлган бандликни муҳофаза қилиш имкониятидан маҳрум қилишлари мумкин.

Ўзбекистонда қуйидаги воситачиларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин:

- ▶ Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги;
- ▶ Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари;
- ▶ Хусусий бандлик агентликлари;
- ▶ Ишга жойлаштириш бўйича агентлар;
- ▶ Рақамли платформалар – шу жумладан, меҳнат муҳожирлари ва иш берувчига бирдек мос келадиган ва ўзаро топишга ёрдамлашадиган платформалар.

Г

Гендер

(Манба: БМТнинг Аёллар қўмитаси, 2010 йил. “Дастурлаш асослари” ҳамда “Мониторинг ва баҳолаш” бўлимларидан атамалар глоссарийси)

Маълум бир вақтда эркак ёки аёл бўлиш билан боғлиқ иқтисодий, ижтимоий ва маданий хусусиятлар ҳамда имкониятлардир. Шунингдек, аёллар ва эркаклар ўртасидаги ижтимоий жиҳатдан қурилган муносабатларни ва ҳар бири риоя қилиши керак бўлган хусусиятлар, хатти-ҳаракатлар ва фаолиятни назарда тутати. Гендердаги фарқлар маданий, тарихий, этник, диний ва иқтисодий омиллар билан белгиланади ва мустаҳкамланади. Гендер роллари вақт ўтиши билан ва турли маданиятлар ўртасида алмашиб боради, бироқ ўзгариб бориши ҳам мумкин. Кўпчилик гендерни биологик фарқларга ишора қилувчи “жинс” сўзи билан нотўғри адаштиради.

Гендерга асосланган зўравонлик ва таъқиб

Зўравонлик ва таъқиб шахсларга уларнинг жинси ёки гендери тўғрисида қаратилиши, маълум бир жинс ёки гендердаги шахсларга номутаносиб равишда таъсир қилиши мумкин бўлиб, бу жинсий таъқибни ҳам ўз ичига олади. Гендерга асосланган зўравонлик – бу шахсга унинг жинси ёки тахминий жинси сабабли жисмоний, жинсий ёки руҳий зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш хавфини келтириб чиқарадиган мажбурлаш, жамият ёки шахсий ҳаётда ихтиёрий равишда озодликдан маҳрум қилишни англатади. [Мехнат муҳожирлари](#), айниқса, иш берувчилар, бандлик агентликлари, турмуш ўртоқлари ва оиланинг бошқа аъзолари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан сиёсий идоралар, божхона ва суд органлари, шунингдек одам савдоси билан шуғулланадиган шахслар томонидан жинсий ёки гендерга асосланган зўравонликка дуч келишлари эҳтимоли юқори.

Қаранг: [жинсий таъқиб](#) ҳамда [зўравонлик ва таъқиб](#).

Гендер кўрлик

Гендер лойиҳалар ва сиёсатларга таъсир қилувчи ижтимоий натижаларнинг муҳим ҳал қилувчи омили эканлигини тан олмаслик. Гендер-кўрлик ёндашув лойиҳалар, дастурлар ёки сиёсатда гендер таъсир этувчи омил эмаслигини назарда тутати.

Гендер муаммолари ҳисоби

Барча соҳа ва даражада ҳар қандай режалаштирилган ҳаракатларнинг, шу жумладан, қонунчилик, сиёсат ёки дастурларнинг барча гендердаги шахслар учун оқибатларини баҳолаш жараёни. Бу гендер муаммолари ва тажрибаларини барча жинсдаги шахслар тенг фойда олиши ва тенгсизлик давом этмаслиги учун барча сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш, мониторинг қилиш ва баҳолашнинг ажралмас қисмига айлантиришга оид стратегиядир. Гендер муаммолари ҳисобини жорий этишнинг асосий мақсади гендер тенглигига эришишдир.

Қаранг: [тенг имкониятлар](#).

Гендер-сезгир

Тенгсизликларни бартараф этиш ва гендер тенглигини, шу жумладан ресурсларни тенг тақсимлашни рағбатлантириш мақсадида аёллар ва эркеклар ҳаётига тааллуқли хусусиятларни ҳисобга олиш.

Қаранг: [тенг имкониятлар](#).

Гендер тенглик

(Манба: БМТ Аёллари ўқув маркази, Гендер тенглик бўйича атамалар глоссарийси)

Барча одамлар тенг ҳуқуқ, имконият ва муносабатга эга бўлишга ҳақли бўлиб, бунда турли гендердаги одамлар ҳар хил эҳтиёж, устуворлик ва адолатсизликни бошидан кечириш бўйича ўзига хос тажрибаларга эга эканлиги эътироф этилиши зарур.


Гендер факторлари ҳисоби

Гендер факторлари ҳисоби гендер тенглигига эришиш мақсадида статус-кво ва таркибий тўсиқларни бартараф этиш учун жамиятдаги шахслар ўртасида гендерга оид фарқларга доимий ва тизимли равишда эътибор беришни назарда тутди.

Глобал таъминот занжири

(Манба: ХМТ, 2020 йил. Глобал таъминот занжирида муносиб меҳнатга эришиш, Глобал таъминот занжирида муносиб меҳнатга эришиш бўйича техник йиғилишда муҳокама қилиш учун ҳисобот; ХМТ, 2019 йил. Глобал таъминот занжирида болалар меҳнати, мажбурий меҳнат ва одам савдосига барҳам бериш; ХМТ, 2016 йил. Глобал таъминот занжирида муносиб меҳнат, Халқаро меҳнат конференциясининг 105-сессияси учун ҳисобот)

Глобал таъминот занжири, кенг маънода, товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва уларни истеъмолчига етказиш учун зарур бўлган барча трансчегаравий фаолиятни англатади. Ҳамма глобал таъминот занжирларига хос бўлган нарса уларнинг миллий чегаралар ичида ва ундан ташқарида фрагментар характерга эга эканлиги ҳисобланади. Фрагментарлик ҳамда алоҳида корпоратив тузилмалар юридик жавобгарлигининг чекланганлиги бир вақтда намоён бўлганда бандлик билан боғлиқ ҳуқуқларга риоя этиш бўйича жавобгарликни



таъминлашда жиддий муаммолар келиб чиқиши мумкин. Глобал таъминот занжирлари билан боғлиқ ишлаб чиқариш ишларида қанча одам [мажбурий меҳнат](#) ёки [болалар меҳнати](#)га жалб қилинганлиги аниқ эмас, аммо ҳисоб-китоблар ва глобал таъминот занжирларида ишлайдиган ишчилар ўртасида ўтказилган сўровлар шуни кўрсатадики, уларнинг сони оз эмас.

Глобал таъминот занжири тобора устун бўлиб бораётган халқаро сорсинг моделини ўз ичига олади, бунда йирик корпорациялар етакчи фирма ёки асосий пудратчи билан шартнома тузади, улар кейинчалик етказиб берувчилар ва субпудрат ташкилотлар билан белгиланган товар ва хизматларни ишлаб чиқариш тўғрисида шартнома ёки баъзан яширин келишувлар тузадилар.

Д

Давлат бандлик хизматлари/ишга ёллаш бўйича давлат хизматлари

(Манба: ХМТнинг 1948 йилдаги “Иш билан бандлик хизмати ташкилотлари тўғрисида”ги 88-сонли Конвенцияси; Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуни (2020 йил))

Давлат бандлик хизматларининг роли ХМТнинг 1948 йилдаги “Иш билан бандлик хизмати ташкилотлари тўғрисида”ги 88-сонли Конвенциясида белгиланган бўлиб, унга кўра тўлиқ бандликка эришиш ва уни сақлаб туриш ҳамда ишлаб чиқариш ресурсларини ривожлантириш ва улардан фойдаланишга оид миллий дастурнинг ажралмас қисми сифатида бандлик бозорини юқори даражада ташкил этиш ушбу хизматларнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Ушбу вазифани бажариш давомида давлат бандлик хизматлари бўш иш ўринларини топиш хизматлари орқали ишчиларга мақбул ишни топишда (шу жумладан хорижий давлатларда) ёрдам кўрсатишлари керак. Иш бўйича таклиф ва мурожаатлар билан шуғулланадиган, масалан, [иш берувчиларнинг](#) топшириқларига кўра ходимларни ёллайдиган давлат бандлик агентликлари кўпинча ишга ёллаш бўйича давлат агентликлари деб аталади.

Ўзбекистонда иккита давлат бандлик хизматлари мавжуд:

- Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги – иш қидирувчиларга хорижда ишни танлаш ва ишга жойлашиш, иш берувчилар учун кадрларни танлаш, шунингдек, ушбу соҳада ахборот ва консалтинг хизматларини кўрсатишда муҳим роль ўйнайди;

- ▶ Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари – худди шу вазифаларни мамлакат ичида бажаради.

Ўзбекистонда аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари қуйидаги вазифаларни амалга оширади:


- ▶ Иш бўйича маслаҳатлар, ишчиларга тавсиялар ва Ўзбекистон меҳнат бозори ҳақида маълумот бериш;
- ▶ Иш берувчиларнинг илтимосига биноан ишчиларни танлаш;
- ▶ Ўзбекистон меҳнат бозори ҳақида маълумот тўплаш, таҳлил қилиш ва прогнозларни тақдим этиш;
- ▶ Аҳоли бандлигига оид дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш;
- ▶ Касбий ҳамда касбий-малакавий кўникмаларни ўргатиш.

Ўзбекистондаги аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари мамлакат ичкарисида иш қидираётган ишчиларни ёллаш бўйича хизматларни кўрсатади ва чет элда ишга жойлашиш учун ишчиларни ёллаш ваколатига эга эмас. Бироқ, ушбу марказлар чет элдан қайтган меҳнат муҳожирларига Ўзбекистондаги ишга жойлашиш имкониятлари тўғрисида маълумот бериш орқали уларнинг [қайтиши ва қайта мослашувига](#) ёрдам беради.

Депортация

(Манба: Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси, 1990 йил. [“Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Халқаро конвенция](#))

Депортация – бу шахсни унинг [келиб чиқиш мамлақати](#) ёки учинчи мамлакатга чиқариб юборишда ифодаланган хатти-ҳаракат. Гарчи [меҳнат муҳожирлари](#) ҳар доим қонуний вакиллик ва депортацияси устидан шикоят қилиш имкониятига эга бўлишлари керак бўлсада, бу процессуал кафолатлар ҳар доим ҳам таъминланмайди. Айрим ҳолларда меҳнат муҳожирлари куч билан ёки бошқа мажбурлаш усуллари орқали депортация қилинади. Меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оилалари жамоавий депортацияга дучор бўлмасликлари керак, аксинча, ҳар бир меҳнат муҳожирига нисбатан депортация қилиш тўғрисидаги қарор индивидуал тартибда қабул қилиниши керак.



Диаспора

Диаспора деганда ўзининг анъанавий этник ватанини ёки келиб чиқиш мамлакатини тарк этиб, дунёнинг бошқа қисмларига тарқалиб кетган халқ ёки этник аҳоли тушунилади. Диаспора, шунингдек, ўз ватанини тарк этган, лекин ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий алоқаларни сақлаб қолган шахслар ҳамда тармоқлар, уюшмалар ва жамоалар аъзолари сифатида ҳам таърифланади. Ушбу тушунча ўтроқ жамоалар, вақтинча чет элда жойлашган меҳнат муҳожирлари, келиб чиқиши ёки борадиган мамлакат фуқаролигига ёхуд икки фуқароликка эга шахслар, иккинчи/учинчи авлод муҳожирларини қамраб олади.

Дискриминация

(Манба: ХМТнинг [“Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситишлар тўғрисида” 1958 йилдаги 111-сонли Конвенцияси](#), Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси)

Ўзбекистон ХМТнинг 111-сонли конвенциясини 1997 йилда ратификация қилган ва унинг нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилган. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига кўра, барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадир.

Ишда ва машғулотлар соҳасида дискриминацияга йўл қўйилмайди. Жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва булар дискриминация деб ҳисобланади.

Меҳнат соҳасида меҳнатнинг муайян турига хос бўлган талаблар ёки давлатнинг юқорироқ ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар (аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлар ва бошқалар) тўғрисидаги алоҳида ғамхўрлиги билан боғлиқ фарқлашлар дискриминация деб ҳисобланмайди.

Меҳнат соҳасида ўзини дискриминацияга учраган деб ҳисоблаган шахс дискриминацияни бартараф этиш ҳамда ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин.

Қаранг: [тенг имкониятлар](#).

Ж

Жабрланувчи

Маъқул атама: “омон қолган” ёки “жабрланувчи” – омон қолган/жабрланувчининг хоҳишига боғлиқ.

Жиноят, бахтсиз ҳодиса ёки бошқа ҳолат ёхуд ҳаракат оқибатида зарар кўрган шахс, масалан, одам савдоси ёки ҳужумдан жабрланган шахс. Одам савдосидан омон қолганлардан ўз бошидан кечирганлари ҳақида ёзаётганда ҳар доим қандай қилиб уларга мурожаат қилишларини сўраш керак, чунки одамлар қурбонлар эмас, балки омон қолганлар деб аталишини афзал кўришлари мумкин.

Қаранг: [омон қолганлар](#).


Жамоа музокаралари

(Манба: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси)

Жамоа музокаралари – бу [иш берувчи](#) (иш берувчилар гуруҳи ёки иш берувчилар ташкилоти) ва бир ёки бир нечта ходимлар ташкилотлари ўртасида меҳнат шартлари ва меҳнат шартларини белгилаш ёки иш берувчилар ва ходимлар ёхуд уларнинг ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида олиб бориладиган барча музокаралар тушунилади. Қаранг: ХМТнинг 1949 йилдаги [“Жамоа музокараларини олиб бориш ва бирлашиш ҳуқуқи тўғрисида”ги](#) 98-сонли Конвенцияси.

Ўзбекистон 1997 йилда ХМТнинг “Жамоа музокараларини олиб бориш ва бирлашиш ҳуқуқи тўғрисида”ги Конвенциясини ратификация қилган ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликнинг бир шакли сифатида жамоа музокараларига оид норма ва қоидалар мавжуд.

Қаранг: [бирлашиш эркинлиги](#) ва [касаба уюшмаси](#).



Жинойт тўғрисида ариза

(Манба: Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, 1994 йил)

Меҳнат муҳожирлари уларни ишга ёллаш ёки миграция даврида жиноий қилмишга тенг бўлган шафқатсиз муомала, [зўравонлик ва таъқиб](#) ёки [эксплуатацияга](#) дуч келишлари мумкин. Жиноят қурбони бўлган ҳамда жиноий қилмишдан қутулган жабрланувчилар ички ишлар органлари ёки Ўзбекистоннинг бошқа органларига дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилишлари мумкин. Баъзи ҳолларда одам савдоси жинояти қурбони бўлган ҳамда жиноий қилмишдан қутулган жабрланувчилар ҳукумат томонидан қўшимча ёрдам олишлари мумкин. Ўзбекистонда тергов органлари томонидан [одам савдосидан](#) жабрланган деб топилган меҳнат муҳожирлари турли хил хизматлардан, жумладан, тез тиббий ёрдам, психологик хизмат, ижтимоий хизматлар, бошпана ва ҳуқуқий ёрдам олиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига келтирилган қуйидаги жиноятлар меҳнат миграцияси контекстида алоқадор бўлиши мумкин:

- ▶ Одам савдоси (135-модда)
- ▶ Ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган одам савдоси жинояти (135-модда 3-қисм)
- ▶ Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш (1482-модда)
- ▶ Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги талабларни бузиш (1481-модда)
- ▶ Ўғрилик (169-модда)
- ▶ Фирибгарлик (168-модда)
- ▶ Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (167-модда)
- ▶ Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (205-модда).

Қаранг: [одил судловга эришиш](#).

Жинс

Эркақлар ва аёлларни ажратиб турадиган жисмоний ва биологик хусусиятлар (ижтимоий роллар ёки гендердан фарқли ўлароқ).

Қаранг: [гендер](#).

Жинсий алоқа индустрияси/жинсий алоқа индустрияси ишчиси


(Манба: ХМТ, 2017 йил. Миграция, саломатлик, ОИВ ва ОИТСга нисбатан инсон ҳуқуқларига асосланган ёндашувни қўллаб-қувватлаш: Ҳаракатлар учун умумий дастур)

Жинсий алоқа индустрияси – бу мунтазам равишда ёки вақти-вақти билан пул ёки товарлар эвазига жинсий хизматлар кўрсатишни англатади. Фоҳишалик атамасидан кўра жинсий иш атамасидан фойдаланиш жинсий ишнинг иш эканлигини билдиради. Жинсий хизматларни кўрсатадиган кўп одамлар жинсий алоқа индустрияси ишчиси атамасини маъқул кўрадилар ва фоҳишани камситувчи ва қораловчи атама сифатида биладилар, чунки бу уларнинг тиббий, юридик ва ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имконини чеклайди. Жинсий алоқа индустрияси кўнгилочар соҳасидаги ишдан фарқ қилади, ҳолбуки кўпгина одамлар ушбу икки атамани чалкаштиради. Жинсий алоқа индустрияси ишчиларидан ўз ҳикояларини ёзишда ҳар доим ўз касбига қандай мурожаат қилишни хоҳлашларини сўраш керак.

Жинсий зўравонлик

(Манба: Бутунжаҳон ССТ, Аёллар саломатлиги ва аёлларга нисбатан уй зўравонлиги бўйича Бутунжаҳон ССТнинг кўп мамлакатли тадқиқоти: Тадқиқот протоколи, 2004 йил)

Жинсий зўравонлик – бу бошқарув муносабатларида бўлган бир кишининг бошқасини ўз иродасига қарши жиноятчи қониқиш ҳосил қиладиган жинсий ҳаракатни амалга ошириш ёки жинсий алоқа қилиш учун куч ишлатиш, мажбурлаш ёки психологик жиҳатдан қўрқитишда ифодаланган ҳар қандай ҳаракатдир. Шафқатсиз жинсий алоқа турли вазиятларда, жумладан, никоҳда, учрашувларда, ишда, мактабда, оилада (масалан, қариндошлар ўртасидаги никоҳда) содир бўлади. Бошқа кўринишлар орасида исталмаган тегиниш ёки порнографик материалларни мажбурий томоша қилиш киради.



Жинсий таъқиб

(Манба: БМТ, Жинсий эксплуатация ва зўравонлик масалаларига оид глоссарий, 2017 йил)

Жинсий таъқиб қилиш шахснинг қадр-қимматига дахл қилиш мақсадида ёки бундай ҳаракатни амалга ошириш оқибатида юзага келадиган, жумладан, қўрқитувчи, душманлик, камситувчи ёки ҳақоратли муҳитни (шу жумладан, ишда) яратишда жинсий характердаги исталмаган вербал, новербал ёки жисмоний хатти-ҳаракатнинг ҳар қандай шаклида намоён бўлади. Одатда хулқ-атвор модели билан боғлиқ бўлсада, у битта ҳодиса шаклида ҳам кўриниши мумкин. Жинсий таъқиб қарама-қарши ёки бир жинсдаги шахслар ўртасида содир бўлиши мумкин. Эркаклар ҳам, аёллар ҳам ё жабрланувчилар ёки ҳуқуқбузарлар бўлиши мумкин.

Жинсий таъқиб жисмоний (жисмоний тегиниш, ортиқча яқинлик), оғзаки (ташқи кўриниш, турмуш тарзи ёки жинсий ориентация ҳақида фикрлар ва саволлар) ёки оғзаки бўлмаган (хуштак чалиш, шаҳвоний имо-ишоралар ва жинсий материалларни намоёиш қилиш) шаклларда намоён бўлиши мумкин.

Иш жойидаги жинсий таъқиблар, масалан, иш ҳақини ошириш, лавозимда кўтарилиш ёки ҳаттоки ишни давом эттириш каби ишдаги афзалликлар жабрланувчининг жинсий хулқ-атворнинг у ёки бу шаклларида иштирок этишга оид талабларни қабул қилишига боғлиқ бўлган ҳолатларда намоён бўлиши мумкин. Жабрланувчини қўрқитадиган ёки камситадиган шароитларни яратадиган душманлик иш муҳити иш жойидаги жинсий таъқибнинг яна бир шаклидир. Иккинчиси кўпинча иш берувчи/менежер ва ходим ёки турли ходимлар орасидаги ҳокимият динамикасини акс эттиради.

Қаранг: [гендерга асосланган зўравонлик ва таъқиб](#) ҳамда [зўравонлик ва таъқиб](#).

Жинсий таҳқирлаш

(Манба: БМТ, 2017 йил. Жинсий эксплуатация ва зўравонлик бўйича глоссарий)

Жинсий таҳқирлаш – бу куч ишлатиш ёки тенг бўлмаган ёхуд мажбурлаш шароитида жинсий характердаги ҳақиқий ёки таҳдид остидаги жисмоний аралашув ҳисобланади.

Жинсий эксплуатация

(Манба: БМТ, 2017 йил. Жинсий эксплуатация ва зўравонлик бўйича глоссарий)

Жинсий мақсадларда бировнинг заиф ҳолатда эканлигини, ҳокимият ёки ишончли суиистеъмол қилиш ёки шундай хатти-ҳаракатларни амалга оширишга уриниш, шу жумладан бошқа шахсни жинсий эксплуатация қилиш орқали моддий, ижтимоий ёки сиёсий наф кўриш. Жинсий эксплуатация ва зўравонлик ички интизомни бузадиган жиддий қонунбузарликлар ҳисобланади ва шунинг учун интизомий чоралар, шу жумладан соддалаштирилган тартибда ишдан бўшатиш ва жиноят иши кўзғатиш учун асос бўлиб хизмат қилади.


Жисмоний ва жинсий зўравонлик

(Манба: ХМТ, 2012 йил. Мажбурий меҳнат индикаторлари)

Мажбурий меҳнат шароитида ишлаётган ишчилар, уларнинг оила аъзолари ва яқин шериклари ҳақиқатан ҳам жисмоний ёки жинсий зўравонликка дучор бўлишлари мумкин. Зўравонлик ишчилар устидан назоратни янада кучайтириш мақсадида гиёҳванд моддалар ёки спиртли ичимликларни истеъмол қилишга мажбурлашни ўз ичига олиши мумкин. Зўравонлик, шунингдек, ишчини дастлабки келишувда назарда тутилмаган ишларни бажаришга мажбурлаш учун ҳам қўлланилиши мумкин, масалан, иш берувчи ёки оила аъзоси билан жинсий алоқада бўлиш ёки “одатий” вазифаларига қўшимча равишда мажбурий уй ишларини бажариш. Одам ўғирлаш зўравонликнинг экстремал шакли бўлиб, у одамни асирга олиш ва кейин уни ишлашга мажбурлаш учун ишлатилиши мумкин.

Зўравонлик ҳеч қандай ҳолатда интизомий жазо чораси сифатида қабул қилиниши мумкин эмаслиги сабабли, бу мажбурий меҳнатнинг кўзга яққол кўринадиган индикатори ҳисобланади.

Қаранг: [мажбурий меҳнат](#).



З

Заифликни суистеъмол қилиш (мажбурий меҳнатга олиб келадиган вазиятларда)

(Манба: ХМТ, 2012 йил. Мажбурий меҳнат индикаторлари)

Ҳар бир инсон мажбурий меҳнат қурбони бўлиши мумкин. Бироқ, маҳаллий тил ёки қонунларни билмайдиган, яшаш учун кам имкониятга эга, озчилик бўлган диний ёки этник гуруҳга мансуб, ногиронлиги бўлган ёки аҳолининг аксар қатлампидан ажратиб турадиган бошқа нуқсонларга эга бўлган одамлар айниқса суистеъмоллик олдига заифдирлар ҳамда бундай одамлар мажбурий меҳнатда бошқаларга нисбатан кўпроқ учраб турадилар.

Биргина заиф ҳолатда бўлиш, масалан, яшаш учун муқобил имкониятларни йўқлигининг ўзи мажбурий меҳнатга олиб келмаслиги мумкин. Айнан [иш берувчи](#) ишчининг заиф ҳолатидан фойдаланганда, масалан, ортиқча иш вақтини белгилаш ёки жарима қўллаш таҳдиди остида [иш ҳақини ушлаб қолиш](#) орқали мажбурий меҳнат ҳолати юзага келиши мумкин. Мажбурий меҳнат, шунингдек, ходимнинг иш берувчига нафақат ўз иши, балки бошқа жиҳатлар, масалан, уй-жой, озиқ-овқат ва қариндошларининг иши билан боғлиқ бўлган ҳолларда ҳам кўпроқ учрайди.

Қаранг: [мажбурий меҳнат](#).

Замонавий қуллик (-> Қуллик)

Маъқул атама: вазиятга қараб “мажбурий меҳнат”, “меҳнат эксплуатацияси”, “одам савдоси”, “қарз қуллиги” ёки “мажбурий никоҳ”.

Гарчи замонавий қуллик атамасига таъриф қонунда берилмаган бўлсада, у кўпроқ одам савдоси ва одам савдоси элементларига эътиборни қаратувчи умумий атама сифатида ишлатилади ҳамда кўпинча мажбурий меҳнат, қарз қуллиги ва мажбурий никоҳни ўз ичига олади. Асосан, бу таҳдидлар, зўравонлик, мажбурлаш, алдаш ва/ёки ҳокимиятни суистеъмол қилиш оқибаотида одам рад эта олмайдиган ёки тарк эта олмайдиган эксплуатация ҳолатларига тааллуқли. [Меҳнат эксплуатацияси](#) ҳақида ёзганда имкон борича “замонавий қуллик” атамасини ишлатмаслик керак. Бунинг ўрнига, эксплуатациянинг аниқ ҳолатлари диққат билан ўрганилиши ва содир бўлаётган эксплуатацияни аниқ акс эттирувчи атама ишлатилиши керак.

Қаранг: [мажбурий меҳнат](#), [эксплуатация](#), [одам савдоси](#) ва [қуллик](#).

Зўравонлик ва таъқиб

(Манба: ХМТнинг “Зўравонлик ва таъқибларни йўқ қилиш тўғрисида”ги Конвенцияси, 2019 йил (190-сон))

Иш оламидаги зўравонлик ва таъқиб жисмоний, психологик, жинсий ва иқтисодий зарар келтиришни мақсад қилган, бунга олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган бир қатор номақбул бир марталик ёки такроран содир этиладиган хатти-ҳаракатлар ва уларни амалга оширишга оид таҳдидларни назарда тутиб, гендерга асосланган зўравонлик ва таъқиб ҳамда жинсий таъқибни қамраб олади.

Таъқиб қилиш – бу бошқа шахсни ҳақорат қилиниши ёки камситилишига олиб келиши аниқ бўлган ёки тахмин қилинган ҳар қандай нотўғри ва номақбул хатти-ҳаракатни англатади. Таъқиб қилиш безовта қилиш, қўрқитиш, ҳақорат қилиш, камситиш ёки шарманда қилиш ёхуд қўрқинчли, душманлик ёки ҳақоратли иш муҳитини яратадиган сўзлар, имо-ишоралар ёки ҳаракатлар шаклида бўлиши мумкин.


Қаранг: [гендерга асосланган зўравонлик ва таъқиб](#) ва [жинсий таъқиб](#).

И

Ижтимоий таъминот

(Манба: ХМТ, 2020 йил. Ижтимоий таъминот бўйича халқаро меҳнат стандартлари)

Ижтимоий таъминот ёки ижтимоий ҳимоя камбағаллик ва заифликни камайтириш ва олдини олишга қаратилган сиёсат ва дастурлар мажмуи сифатида таърифланади. Ижтимоий ҳимоя тўққизта асосий йўналишни ўз ичига олади: бола ва оила аъзоларига нафақалар, оналикни ҳимоя қилиш, ишсизларни қўллаб-қувватлаш, меҳнатда майиб бўлганлик учун нафақалар, касаллик бўйича нафақалар, соғлиқни сақлаш, пенсия ёшига етганлик нафақаси, ногиронлик нафақалари ва боқувчисини йўқотганлик учун нафақалар. Ижтимоий ҳимоя тизимлари ушбу сиёсатнинг барча соҳаларини йиғимлар (ижтимоий суғурта) ва солиқлар ҳисобидан молиялаштириладиган йиғимсиз ижтимоий ёрдамларга асосланган дастурларни уйғунлаштирган ҳолда қамраб олади.



Изоляция

(Манба: ХМТ, 2012 йил. Мажбурий меҳнат индикаторлари)

Мажбурий меҳнат қурбонлари кўпинча узоқроқ жойларда изоляция қилиниб, ташқи дунё билан алоқа қилишлари тақиқланади.

Ишчилар ўзларининг қаердаликларини билмасликлари, иш жойи турар жойдан узоқда бўлиши ва транспорт воситаси мавжуд бўлмаслиги мумкин. Худди шундай, ишчиларни, уларнинг оила аъзолари билан мулоқот қилиш ва ёрдам сўраш имкониятидан маҳрум қилиш мақсадида ёпиқ эшиклар ортида сақлаш ёки уларнинг мобил алоқа телефонлари ёхуд бошқа алоқа воситаларини мусодара қилиш орқали аҳоли яшаш худудларида ҳам изоляция қилиш мумкин.

Ишчиларни изоляция қилиш, шунингдек, бизнес ёки иш жойларининг норасмий ва рўйхатдан ўтмаганлиги билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин, бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш ёки бошқа идоралар учун ташкилотни топиш ва ундаги ишчилар билан нима содир бўлаётганини кузатишни муайян даражада қийинлаштиради.

Қаранг: [мажбурий меҳнат](#).

Икки томонлама келишувлар

(Манба: ХМТ, 2015 йил. Қуйи малакали ишчилар миграцияси бўйича икки томонлама келишувлар ва англашув меморандумлари бўйича шарҳ)

Икки томонлама келишувлар Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги 1969 йилдаги Вена конвенциясида тавсифланган шартномалар бўлиб, унда “халқаро шартнома – бу давлатлар ўртасида ёзма шаклда тузилган ва халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган, бир ёки икки ёхуд ундан ортиқ ўзаро боғлиқ ҳужжатларда ифодаланадиган ҳамда ўзига хос хусусиятларига эга бўлган ҳужжат” эканлиги баён этилган.

Меҳнат миграцияси контекстида икки томонлама келишувлар меҳнат муҳожирининг келиб чиқиш мамлакати ва у борадиган мамлакатлар ўртасида мажбурий кучга эга бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларни юзага келтирувчи ва икки давлат ўртасидаги меҳнат миграциясини тартибга солувчи мажбуриятлар, келишилган шартлар, тамойиллар ва тартибларни белгилайдиган шартномалардир. [Меҳнат муҳожирлари борадиган мамлакатлар](#) учун икки томонлама келишувлар иш берувчилар ва саноат соҳасидаги эҳтиёжларни қондира оладиган меҳнат муҳожирларининг тартибли оқимига эришишга ёрдам беради. Меҳнат муҳожирларининг [келиб чиқиш мамлакатлари](#) учун эса бундай

битимлар чет элдаги меҳнат бозорларига доимий киришни ҳамда уларнинг ишчиларини ҳимоя қилиш ва фаровонлигини ошириш имкониятларини беради.

Қаранг: [Ўзаро англашув меморандуми](#).

Иммигрантларни ҳибсда сақлаш


Иммигрантларни ҳибсда сақлаш – бу қонуний миграция мақомига эга бўлмаган шахсларнинг вақтинча ёки номаълум муддатга ҳибсхоналарда ёки қамоқда сақлаш марказларида, уларнинг ишлари ҳокимият ёки суд органлари томонидан кўриб чиқиладиган даврда сақлашдан иборат. Инсон ҳуқуқлари буйича халқаро стандартларга кўра, иммигрантларни ҳибсда сақлаш чораси қонунда назарда тутилган бўлиши ҳамда энг сўнгги чора сифатида, жуда қисқа муддатга ва бошқа енгилроқ чекловчи чоралар мавжуд бўлмаганда қўлланилиши керак. Давлатлар иммигрантларни ҳибсда сақлашга муқобил бўлган бошқа чораларни қўллашни кўриб чиқишлари керак. Болалар миграция мақоми ёки мамлакатга ноқонуний кирганлиги сабабли ҳибсга олинмаслиги керак. Қочоқлар ҳуқуқига кўра, қочоқлар ва бошпана изловчиларга уларнинг мамлакатга ноқонуний кирганликлари ва унда бўлганликлари сабабли жарима ёки қамоқ жазоси тайинланмаслиги керак.

Инсон ҳуқуқлари

(Манба: Инсон ҳуқуқлари буйича Олий комиссар бошқармаси, 1990 йил. Инсон ҳуқуқлари ўзи нима?)

Инсон ҳуқуқлари – бу миллати, яшаш жойи, жинси, миллий ёки этник келиб чиқиши, ранги, дини, тили, миграция ҳолати ёки бошқа ҳар қандай ҳолатдан қатъий назар, барча инсонларга хос бўлган ҳуқуқлардир. Барчамиз ҳеч бир камситишларсиз ўз инсон ҳуқуқларимиздан фойдаланишда тенг ҳуқуқлимиз. Бу ҳуқуқларнинг барчаси ўзаро узвий боғлиқ ва бўлинмасдир.

Инсон ҳуқуқлари дахлсиздир. Инсонни унинг ҳуқуқларидан маҳрум қилиб бўлмайди, муайян вазиятларда ва белгиланган тартибга риоя қилинган ҳолатлар бундан мустасно. Масалан, шахс суд томонидан жиноят содир этганликда айбдор деб топилган тақдирда, унинг эркинликка нисбатан бўлган ҳуқуқи чекланиши мумкин.



Ирқчилик (-> Ксенофобия)

Ирқчилик – бу ўз ирқининг устун эканлигига ишониш асосида бошқа ирққа мансуб кишиларни дискриминация қилиш. Шу маънода “ирқ” атамаси умумий жисмоний ёки ижтимоий хусусиятлар мажмуига эга бўлган одамлар гуруҳини тавсифлаш учун ишлатилади. “Ирқ” бу ижтимоий тузилма бўлиб, унинг маъноси инсоннинг маданий, тарихий, этник, диний ва иқтисодий келиб чиқиши билан боғлиқ ва шу жиҳатлар билан мустаҳкамланади.

Қаранг: [ксенофобия](#).

Ихтиёрий репатриация

Қочоқларнинг ўз ватанига уларнинг эркин ва ихтиёрий асосда берган розилигига кўра, муносиб шароитларда хавфсиз ва узоқ муддатли реинтеграциялашувига кўмаклашадиган ҳолда қайтарилиши ҳисобланади.

Иш берувчи

(Манба: ХМТ, 2019 йил. Ходимларни адолатли ёллаш бўйича умумий тамойиллар ва йўриқномалар ҳамда ишга ёллашга оид тўловлар ва шунга оид харажатлар тушунчалари; Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси)

Иш берувчи атамаси ходимларни тўғридан-тўғри ёки билвосита жалб қиладиган шахс ёки ташкилотни англатади. Ўзбекистон қонунчилигида иш берувчи мақомини олиш учун юридик ва жисмоний шахсларга бир қатор талаблар белгиланган.

Иш вақтидан ташқари ҳаддан зиёд иш

(Манба: ХМТ, 2012 йил. Мажбурий меҳнат индикаторлари)

Мажбурий меҳнат шароитида ишчилар миллий қонунчилик ёки жамоа шартномаларида белгиланган меъёрдан ортиқ соат ёки кунлар ишлашга мажбур бўлиши мумкин. Уларга танаффуслар ва дам олиш кунлари берилиши рад этилиши, ишда бўлмаган ҳамкасбларининг иш сменалари ва иш соатларини ишлаб бериш ёки ҳафтада 7 кун, суткасига 24 соат давомида навбатчилик қилиш мажбурияти юклатилиши мумкин. Иш вақтидан ташқари ишнинг мажбурий меҳнат билан боғлиқ жиноят эканлигини аниқлаш мураккаб бўлиши мумкин.

Умумий қоидага кўра, агар ходимлар таҳдид остида (масалан, ишдан бўшатиш билан қўрқитиш) ёки ҳеч бўлмаганда энг кам иш ҳақини олиш учун иш вақтидан ташқари миллий қонунчиликда белгиланган меъёрдан ортиқ ишлашга мажбур этилса, бундай иш мажбурий меҳнатга тенглаштирилади.

Қаранг: [мажбурий меҳнат](#).

Ишга ёллаш бўйича агент


(Манба: ХМТ, 2019 йил. Ходимларни адолатли ёллаш бўйича умумий тамойиллар ва тезкор йўриқномалар ҳамда ишга ёллашга оид тўловлар ва шунга оид харажатлар тушунчаси)

Бу атама аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларига ҳам, [хусусий бандлик агентликларига](#) ҳам, ишчиларни ёллаш ва жойлаштириш хизматларини таклиф қилувчи бошқа барча воситачилар ёки агентларга ҳам тегишли. Ишга ёллаш бўйича агентлар турли шаклларда, яъни тижорий ёки нотижорий мақсадни кўзлайдиган, қонун доирасида ёки ноқонуний фаолиятни олиб борадиган бўлиши мумкин.

Ишчи кучини тақдим этиш шартномаси (-> Ҳамкорлик тўғрисида келишув)

(Манба: [Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Қонуни](#) (2018 йил))

Ишчи кучини тақдим этиш шартномаси ёки “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Қонунда ёзилганидек – ҳамкорлик тўғрисида келишув Ўзбекистондаги [давлат](#) ва [хусусий](#) бандлик агентликлари ва меҳнат муҳожирлари [борадиган мамлакатдаги](#) иш берувчилар ўртасида тузиладиган ёзма ҳужжат бўлиб, унда ўзбекистонлик [меҳнат муҳожирлари](#) ва уларнинг иш берувчилари ўртасида тузиладиган меҳнат шартномаси шартлари, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўз аксини топади. Шартнома матни хусусий бандлик агентлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилиши керак.



Ишга ёллаш

(Манба: ХМТ, 2019 йил. Ходимларни адолатли ёллаш бўйича умумий тамойиллар ва тезкор йўриқномалар ҳамда ишга ёллашга оид тўловлар ва шунга оид харажатлар тушунчаси; Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги қонуни ва “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси)

Ишга ёллаш ўз ичига реклама, маълумот тарқатиш, танлаш, ташиш, ишга жойлаштириш ва – [меҳнат муҳожирлари](#) учун – [келиб чиқиш мамлакатига](#) қайтаришни ўз ичига олади. Бу иш қидирувчиларга ҳам, меҳнат муносабатларида бўлганларга ҳам тегишли.

Меҳнат муҳожирларини ёллаш ишга оид талаб ва таклифнинг ўзаро мослигини таъминлайдиган расмий ва норасмий тармоқлар орқали амалга оширилади. Кўпинча хусусий бандлик агентликлари ушбу вазифани бажара туриб, меҳнат муҳожирлари номидан иш берувчилар билан меҳнат шартларини муҳокама қилади. ХМТнинг 1997 йилдаги “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги 181-сонли Конвенциясининг 8-моддасида “ишчилар бир мамлакатдан бошқа мамлакатда ишлаш учун ёлланган тақдирда, аъзо-давлатлар ёллаш, ишга жойлаштириш ва бандлик масалаларида суиистеъмоллик ва фирибгарлик ҳолатларини олдини олиш бўйича икки томонлама келишув тузиш масаласини кўриб чиқадилар”, деб белгиланган. Давлат бандлик хизматлари ҳам меҳнат муҳожирларини ишга ёллашга оид хизматларни кўрсатишлари мумкин ва улар бундай фаолиятни амалга ошириш учун бир қатор минимал стандартларга, шу жумладан, ХМТнинг 1949 йилдаги “Меҳнат муҳожирларининг ҳуқуқлари тўғрисида”ги 97-сонли Конвенциясида кўрсатилган стандартларга риоя қилишга мажбур.

Хусусий ва давлат бандлик агентликлари меҳнат бозорида қонуний фаолиятни амалга оширади. Бироқ, бунда норасмий меҳнат брокерларининг кўпайиши билан боғлиқ хавотирлар ҳам мавжуд, бу эса меҳнат муҳожирларини эксплуатация қилиш ва улар билан боғлиқ ҳолатларни суиистеъмол қилиш хавфини кучайтириши мумкин.

Ишга адолатли ёллашда хусусий бандлик агентликлари ишчилардан ҳар қандай тўлов ва харажатларни на бевосита ва на билвосита, на тўлиқ ва на қисман ундирмасликлари керак. Худди шундай, давлат бандлик агентликлари ҳам ХМТнинг 1948 йилдаги “Иш билан бандлик хизмати ташкилотлари тўғрисида”ги 88-сонли Конвенцияси 1-моддасига мувофиқ меҳнат муҳожирларига ўз хизматларини бепул таклиф қилишлари керак.

Ўзбекистон қонунчилигига кўра, аксарият ҳолларда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ҳамда

хусусий бандлик агентликлари иш қидираётганларга ишни танлаш ва ишга жойлашиш, иш берувчиларга кадрларни танлаш ҳамда ушбу соҳада ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бунда иш қидираётганлар ҳар қандай тўловларни тўлашдан озод қилинадилар.

Ишга ёллашга оид тўловлар ва шунга оид харажатлар

(Манба: ХМТ, 2019 йил. Ходимларни адолатли ёллаш бўйича умумий тамойиллар ва тезкор йўриқномалар ҳамда ишга ёллашга оид тўловлар ва шунга оид харажатлар тушунчаси)

“Ишга ёллашга оид тўловлар” ва “ишга ёллашга оид харажатлар” атамалари уларни ундириш ёки йиғиш усули, вақти ёки жойидан қатъий назар, ишчиларнинг бандлигини ёки ишга жойлаштирилишини таъминлаш мақсадида уларни ёллаш жараёнида амалга оширилган ҳар қандай тўлов ёки харажатларни англатади. Халқаро меҳнат стандартлари, жумладан, ХМТнинг 1997 йилдаги “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги 181-сон Конвенцияси ва ХМТнинг 1948 йилдаги “Иш билан бандлик хизмати ташкилотлари тўғрисида”ги 88-сонли Конвенцияси ишчилардан уларни ишга ёллашга оид тўловлар ва шунга оид харажатларни ундиришни тақиқлайди. Ушбу тўловлар ва харажатлар бошқа томонлар – масалан, [иш берувчилар](#) ёки давлат ташкилотлари томонидан тўланиши керак.

Ишга ёллашга оид тўловлар ва шунга оид харажатлар қуйидагича белгиланади:

Ишга ёллашга оид тўловларга қуйидагилар киради:

- ▶ Давлат ёки хусусий [ишга ёллаш бўйича агентлар](#) иш бўйича таклифлар ва аризаларнинг мослигини аниқлашда ифодаланадиган ишга ёллаш хизматлари учун тўловлар;
- ▶ Ишчилар уларни учинчи шахсларга ишга жойлаштириш мақсадида ёлланганда тўланадиган тўловлар;
- ▶ Иш берувчи томонидан тўғридан-тўғри ишга қабул қилинган тақдирда тўланадиган тўловлар;
- ▶ Ишчилардан уларни ёллаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун талаб қилинадиган тўловлар.

Бу тўловлар бир марталик ёки давомли бўлиши мумкин ва реклама, маълумотни тарқатиш, суҳбатларни ташкил этиш ва тегишли давлат идораларидан рухсатнома олиш билан боғлиқ жараённи қамраб оладиган ёллаш, йўналтириш ва ишга жойлаштириш хизматларини ўз ичига олиши мумкин.

Ишга ёллашга оид харажатлар:

Ишга ёллашга оид харажатлар – бу мамлакат ичида ёки ундан ташқарисида ишчиларни ёллаш ва уларни ишга жойлаштириш билан боғлиқ харажатлар бўлиб,

бунга тегишли харажатларнинг энг кенг кўлами ишчиларни халқаро миқёсда ёллашда юзага келади. Бундай харажатларга қуйидагилар киради:

- ▶ Тиббий харажатлар;
- ▶ Суғурта харажатлари;
- ▶ Кўникма ва малакани аниқлашга оид тестлар учун харажатлар;
- ▶ Ўқитиш ва ишга йўналтириш харажатлари;
- ▶ Жиҳозлар учун харажатлар;
- ▶ Йўл ва яшаш харажатлари;
- ▶ Маъмурий харажатлар.

Иқтисодий жиҳатдан суистеъмол қилиш

Ресурсларга ва/ёки мустақил иқтисодий фаолиятни амалга оширишига ёки уларни назорат қилишига тўсқинлик қилиш орқали шахсни бошқа шахсга молиявий қарам бўлишига сабаб бўлиш ёки бунга уриниш.

Иқтисодий зўравонлик

(Манба: БМТ Бош Ассамблеяси, Бош котибнинг “Аёлларга нисбатан зўравонликнинг барча шакллари бўйича чуқур тадқиқот” юзасидан ҳисоботи А/61/122/Add.1 (2006 йил).)

Бирор кишининг асосий ресурслардан фойдаланишини ва уларнинг устидан назорат қилишини рад этиш.

Иқтисодий муҳожир

Маъқул атама: “[меҳнат муҳожир](#)”

“Иқтисодий муҳожир” ҳуқуқий тасниф эмас, балки иқтисодий ва касбий истиқболларини яхшилаш мақсадида бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчиб ўтадиган кенг доирадаги одамлар учун умумий атамадир. Бу кўпинча паст ривожланган ёки можароларга дучор бўлган мамлакатлардаги паст маош оладиган ишчиларни назарда тутди. Бу баъзида умумий салбий маънога эга бўлиши ёки аралаш миграция оқимида “лойиқ” ва “нолойиқ” одамларни ажратиш мақсадида миграцияни бошқариш жараёнига таъсир қилиши мумкин. “Иқтисодий муҳожир” атамасидан кўра нейтрал ҳисобланадиган “меҳнат муҳожир” атамаси афзалроқдир, чунки у одамнинг шахс эканлигини алоҳида таъкидлаб, унинг меҳнат ҳуқуқига эга эканлиги ва [борадиган мамлакат](#) иқтисодиётига ҳисса қўшишини эътироф этади.

Иш олами

(Манба: ХМТнинг 2019 йилги “Зўравонлик ва таъқибларни йўқ қилиш тўғрисида”ги Конвенцияси (190-сон))

Иш олами иш жараёнида, у билан боғлиқ ёки ундан келиб чиқадиган қуйидаги жойларда юзага келадиган ҳолатларга ишора қилади:


- ▶ Иш жойида, шу жумладан, иш жойи ҳисобланган жамоат ва хусусий жойларда;
- ▶ Ходимга иш ҳақи тўланадиган, дам олиш учун танаффус қиладиган ёки овқатланадиган, санитария-гигиена, ювиниш ва кийим алмаштириш учун фойдаланадиган жойларда;
- ▶ Хизмат сафари, иш билан боғлиқ саёҳатлар, ўқув машғулоти, тадбирлар ёки жамоат фаолияти давомида;
- ▶ Иш билан боғлиқ, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари орқали таъминланадиган алоқалар давомида;
- ▶ Иш берувчи томонидан тақдим этилган турар жойда;
- ▶ Ишга бораётганда ва ундан қайтаётганда.

Иш ҳақини ушлаб қолиш

(Манба: ХМТ, 2012 йил. Мажбурий меҳнат индикаторлари)

Иш ҳақини ушлаб қолиш мажбурий меҳнат индикатори ҳисобланади. Ишчилар ўзларига тўланиши шарт бўлган меҳнат ҳақини кутиш вақтида виждонсиз иш берувчи билан қолишга мажбур бўлишлари мумкин. Меҳнат ҳақини тизимли равишда ва ўз вақтида бермасликнинг ўзи мажбурий меҳнат ҳолатини англатмайди. Бироқ, меҳнат ҳақи ишчини қолишга мажбурлаш ва иш берувчини ўзгартириш имкониятидан маҳрум қилиш воситаси сифатида тизимли равишда ва қасддан ушлаб қолинса, бундай ҳолатда бу мажбурий меҳнатга ишора қилади.

Қаранг: [мажбурий меҳнат](#).



К

Касаба уюшмаси

(Манба: [Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонуни](#), 2019 йил)

Касаба уюшмаси – бу ишчилар манфаатларини ифодалаш учун ишчилар томонидан ташкил этилган ва бошқариладиган ташкилот. Касаба уюшмалари тармоқ, миллий ёки корхоналар таркибида мавжуд бўлиши мумкин. Касаба уюшмасининг асосий мақсадларидан бири бу иш берувчилар билан жамоа музокараларини олиб боришдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонунига кўра, меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқаролар ҳеч қандай тафовутсиз ўз танловига кўра ва олдиндан рухсат олмай туриб, ихтиёрий равишда касаба уюшмаларини тузиш, шунингдек касаба уюшмаларига аъзо бўлиш ҳуқуқига эгадир.

Қаранг: [бирлашиш эркинлиги](#) ва [жамоа музокаралари](#).

Касб касаллиги

(Манба: Алли Б.О. ХМТ, 2008 йил. Касбий саломатлик ва хавфсизликнинг фундаментал принциплари)

Меҳнат фаолияти натижасида келиб чиқадиган зарарли факторлар таъсири натижасида орттирилган касаллик.

Келиб чиқиш мамлакати

“Келиб чиқиш мамлакати” нейтрал ва тўғри атама бўлиб, [меҳнат муҳожирли](#) келиб чиққан мамлакатни англатади. Ушбу атама “юборган мамлакат” ёки “ватан” атамаларидан афзалроқдир.

“Юборган мамлакат” деганда давлатнинг ишчиларни чет элда иш топиш ва яшаш учун ўз мамлакатини тарк этишида фаол иштирок этиши тушунилади. “Уй” тушунчаси маълум маъноларни ўз ичига олади: бу инсон яшайдиган жой ва ушбу жойга тегишлилигини англатади. Кўпгина муҳожирлар учун уй – бу уларнинг

борадиган мамлакатдаги яшаш жойи; эндиликда уларнинг келиб чиққан мамлакатида яшаш жойи, оиласи ёки бошқа ижтимоий алоқалари бўлмаслиги мумкин. “Ватан” атамаси жуда ёшлигида кўчиб келган ва ўз мамлакати, унинг тили ва бошқа жиҳатларини кам ёки умуман эсламайдиган муҳожирлар учун тўғри келмаслиги мумкин. “Ватан” атамаси, шунингдек, “меҳнат муҳожирлари келиб чиқиш мамлакатида қанча вақт ёки қандай шароитларда турганлигидан қатъий назар охир-оқибат ўз “уйи”га қайтиши мумкин” деган ғояга ҳам асосланган.

Бу атама баъзи ҳолларда муҳожирлар учун тенг меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларга путур етказди ва муҳожирлар ўзлари кўчиб ўтган мамлакатга тегишлилик туйғусини ҳис қила олмаслиги ёки ҳис қилмаслиги кераклиги ҳақида нотўғри фикрни келтириб чиқаради. Бинобарин, ирқчилик ва муҳожирларга қарши кайфиятни келтириб чиқармаслик учун ушбу атамани эҳтиёткорлик билан ишлатиш жоиз.


Комплаенс бўйича шахсий ташаббуслар

(Манба: ХМТ, 2013 йил. Меҳнат инспекцияси ва комплаенс бўйича шахсий ташаббуслар: тенденциялар ва муаммолар)

Комплаенс бўйича шахсий ташаббуслар – бу турли ташаббуслар бўлиб, ихтиёрий ва мустақил тарзда амалга оширилади ҳамда ҳукумат ёки давлат ташкилоти бўлмаган компаниялар, касаба уюшмалари ва/ёки нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) томонидан бошқа томонлар иштирокида ёки иштирокисиз бошқарилади. Стандартлар, шу жумладан меҳнат стандартлари глобал қиймат занжирида бажарилишини таъминлаш учун тизимли жараёнларни интеграция қилиш мақсадида хусусий ташкилотлар томонидан ташкил этилади.

Консуллик функциялари

Ўз давлати томонидан консуллик муассасаси ёки дипломатик ваколатхонага юкланган ҳар қандай вазифа, шу жумладан, келиб чиқиш мамлакати ва ушбу муассасалар жойлашган мамлакатдаги ўзини фуқароларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, ўз фуқароларига паспорт ва бошқа йўл ҳужжатларини, унинг мамлакатига боришни хоҳловчи бошқа фуқароларга эса виза ёки бошқа тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш, фуқароларига ёрдам бериш ва кўмак кўрсатиш, нотариус ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини расмийлаштириш, шунга ўхшаш бошқа функцияларни ҳамда маъмурий характерга эга бўлган вазифаларни бажариш, ўз фуқаролари бўлган вояга етмаган ва бошқа муомалага лаёқатсиз шахсларнинг манфаатларини таъминлаш, айниқса бундай шахсларга васийлик ва ҳомийлик зарур бўлганда алоҳида эътибор қаратиш.



Консуллик ҳимояси ва ёрдами

(Манба: Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси, 1990 йил. [“Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Халқаро конвенция](#))

Фуқароларнинг хориждаги ижтимоий, маданий ва бошқа эҳтиёжларини қондириш ёки улар [борадиган мамлакат](#) томонидан уларнинг ҳуқуқларини ҳар қандай бузилишлардан ҳимоя қилиш учун зарур бўлган тегишли консуллик ва бошқа хизматлар.

Контрабанда

(Манба: БМТ, 2000 йил. БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияни тўлдирувчи қуруқлик, денгиз ва ҳаво орқали мигрантларнинг контрабандасига қарши протоколи)

Контрабанда деганда бевосита ёки билвосита молиявий ёки бошқа моддий манфаат олиш мақсадида шахснинг фуқароси ёки доимий резиденти бўлмаган давлатга ноқонуний кириб келишини таъминлаш тушунилади. Одам савдосидан фарқли ўлароқ, одам контрабандаси шахсни эксплуатация қилиш мақсадида куч ишлатмасдан, алдовсиз ёки мажбурламаган ҳолда амалга оширилади.

Қаранг: [одам савдосу](#).

Кредитор

(Ўқиш учун: ХМТ, 2019 йил. Қарз ва миграция тажрибаси)

Кредиторлар сифатида учинчи томон норасмий кредиторлари билан бир қаторда, иш ҳақидан ушлаб қолиш орқали кредитни қайтаришга мажбурловчи ишга жойлаштириш билан шуғулланадиган агентлик ёки компаниялар ҳам бўлишлари мумкин.

Кўпгина [меҳнат муҳожирлари](#) учун қарзга пул олиш уларнинг миграция билан боғлиқ харажатларининг бир қисмини ёки барчасини молиялаштиришнинг одатий усули ҳисобланади. Ишга адолатли ёллаш тартибига мувофиқ, ишчилардан уларни ёллаш учун ҳеч қандай тўлов ёки шунга оид харажатлар ундирилмаслиги керак. Бироқ, амалда кўплаб меҳнат муҳожирлари ишга ёллаш бўйича агентлар, [воситачилар](#) ёки бошқа субъектларга уларнинг ишга ёллаш билан боғлиқ хизматлари учун келгусидаги бир неча ойлик маошлари миқдорида пул

тўлашларига тўғри келмоқда. Шу сабабли кўпгина меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оила аъзолари кредит олиш учун мурожаат қилмоқдалар. Баъзи ишчилар қариндошлари ва дўстларидан фоизсиз кредит олишлари мумкин; бошқалар ўзларининг [келиб чиқиш мамлакати](#) ёки [борадиган мамлакатида](#) норасмий кредиторлардан юқори фоизли кредит оладилар, бу эса уларнинг меҳнат эксплуатацияси олдида ожиз қолдиради.

Ксенофобия

Ксенофобия – бу чет эллик ёки ушбу жамият ёки миллатга тегишли бўлмаган ва келиб чиқиши бошқа мамлакатлардан бўлган одамлардан кўрқув ёки уларга нисбатан нафрат ҳисси.

Қаранг: [ирқчилик](#).

Кўнгилочар соҳасидаги иш/кўнгилочар соҳасидаги ишчи

Кўнгилочар соҳасидаги ишчилар меҳмондўстлик ва хизмат кўрсатиш соҳасида кенг кўламли ишларни амалга оширадилар. Меҳмондўстлик соҳасидаги ишнинг ўзи (бюртмаларни қабул қилиш, озиқ-овқат ва ичимликларни бериш, столларни тозалаш), агар унда кўнгилхушлик ёки ўйин-кулги элементи бўлмаса, одатда кўнгилочар соҳасидаги иш ҳисобланмайди. Кўнгилочар соҳасидаги ишчилар мижозларга, улар спиртли ичимлик истеъмол қилаётган ва/ёки ўйин ёки қимор ўйнаётганда, зерикмасликлари учун шерик бўлишлари, массаж қилиш, кўшиқ айтиш ёки рақсга тушишлари мумкин. Эркаклар ҳам, аёллар ҳам кўнгилочар соҳасидаги ишчилар бўлишлари мумкин.

Жинсий иш кўнгилочар индустрияда кўп шаклларда ва турли даражада учрайдиган фактор бўлиши мумкин. Жинсий хизматлар кўнгилочар муассасалар (тунги клублар ёки барлар) ичида ёки ундан ташқарида кўрсатилиши мумкин, бу ўз навбатида кўнгилочар соҳасидаги иш ва жинсий иш ўртасида чалкашлик ва зиддиятни кучайтириши мумкин, бунинг оқибатида эса бундай соҳадаги иш ва ишчилар деярли бир тоифага мансублиги тўғрисида нотўғри фикр шаклланади. Шуни қайд этиш керакки, кўнгилочар соҳасидаги ҳамма ишчилар ҳам жинсий хизмат кўрсатадиган ишчилар эмас.

Қаранг: [жинсий алоқа индустрияси/жинсий алоқа индустрияси ишчиси](#).



М

Мавсумий ишчи (-> Шартнома бўйича вақтинчалик ишчи)

(Манба: Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси, 1990 йил. [“Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Халқаро конвенция](#))

Маъқул атама: “меҳмон ишчиси” атамасидан кўра “мавсумий ишчи” атамаси маъқулроқ.

Мавсумий ишчи – бу шундай ишчики, унинг иш вақти ва давомийлигига иқлим цикли, байрамлар ва/ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилининг етишиши каби мавсумий омиллар сезиларли таъсир кўрсатади. Мавсумий ишчилар қишлоқ хўжалиги, меҳмондўстлик ва туризм соҳаларида кенг тарқалган. Бу меҳнат миграциясининг вақтинчалик ва шартномавий хусусиятга эга эканлигини билдиради. “Мавсумий ишчи” атамаси “меҳмон ишчи” атамасидан афзалроқдир, чунки иккинчи ҳолатда “меҳмон ишчи” ва “меҳмон” ўртасидаги муносабатлар тенг меҳнат ҳуқуқларига асосланмайди.

Қаранг: [чегара ишчилари](#).

Мажбуран кўчирилган шахслар

Мажбуран кўчирилган шахснинг халқаро миқёсда келишилган таърифи йўқ, бу атама бир жойдан иккинчи жойга кўчирилган, аммо халқаро ҳуқуқда белгиланган “қочоқ” таърифига жавоб бермайдиган кишиларни англатади. Мажбуран кўчирилган шахслар бир қатор сабабларга кўра, жумладан қуролли тўқнашувлар ёки табиий офатлар, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ёки инсон ҳуқуқларининг бузилиши, шу жумладан аралаш миграция оқими доирасида кўчиб ўтишга мажбур бўлган миллионлаб одамлардир. “Мажбуран кўчирилган шахслар” атамасининг кенгроқ қамрови замонавий кўчирилиш динамикасини тавсифловчи мураккаб ва кўп ўлчовли омиллар ва жараёнларни акс эттиради ва ҳам қочоқларни, ҳам мажбуран кўчаётган бошқа тоифадаги шахсларни ўз ичига олади.

Мажбурий ва ихтиёрий миграция

Мажбурий миграция мажбурлаш элементи мавжуд бўлган ноихтиёрий миграция турини тавсифлайди. Бундай мажбурлаш турига мисол тариқасида экологик ёки табиий офатлар, кимёвий ёки ядровий офатлар, очарчилик, одам савдоси, уруш, қуролли можаролар, жамоат тартибини жиддий бузиш ёки давлатнинг ўз фуқароларининг [инсон ҳуқуқларини](#) ҳимоя қилишга қодир эмаслиги ёки истамаслиги киради.

Ихтиёрий миграция одамларнинг ўз ихтиёри билан кўчиб ўтишини тасвирлайди. Бироқ, инсоннинг ҳаракатчанлиги глобал даражада ва тез-тез содир бўлаётганлиги сабабли, мажбурий ва ихтиёрий миграция ўртасидаги анъанавий фарқ унчалик сезиларли бўлмай келмоқда. Бу [меҳнат муҳожирларининг келиб чиқиш мамлакатини](#) тарк этиш сабаблари ёки ҳуқуқий мақомидан қатъий назар, уларнинг ҳуқуқларини комплекс тарзда қайта кўриб чиқишни тақозо қилаётган асосли аргументлар келиб чиқаётганлигини англатади.

Шу билан бирга, таъқиблардан қўрқиб, ўз туғилган жойига қайтиб кела олмайдиган ва шунга кўра халқаро ҳуқуққа мувофиқ махсус ҳимояга муҳтож бўлган қочоқлар ва [муҳожирлар](#) ўртасидаги фарқни тан олиш муҳимдир. Муҳожирлар халқаро инсон ҳуқуқларига оид қонунлар билан ҳимояланган. Бу ҳимоя уларнинг инсон сифатидаги асосий қадр-қимматидан келиб чиқади. Муҳожирларнинг инсон ҳуқуқларини янада таъминлаш қочоқларни ҳимоя қилиш бўйича мавжуд тузилмани қўллаб-қувватлашга монанд ҳисобланади.

Мажбурий меҳнат

(Манба: ХМТнинг [“Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”](#)ги Конвенцияси, 1930 йил (№ 29); БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протоколи; Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси)

ХМТнинг 1930 йилдаги “Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сонли Конвенциясида зўраки ёки мажбурий меҳнат атамаси “ўз хизматларини ихтиёрий равишда таклиф этмаган ҳар қандай шахсдан жазо қўллаш таҳдиди остида талаб қилинадиган ҳар қандай иш ёки хизмат” сифатида таърифланган. Ушбу таъриф учта муҳим элементни ўз ичига олади:

- ▶ Иш ёки хизмат: ҳар қандай фаолият, саноат ёки секторда, шу жумладан норасмий иқтисодиётда амалга ошириладиган барча турдаги ишларга тегишли;

- ▶ Ҳар қандай жазо таҳдиди: кимнидир ишлашга мажбурлаш учун қўлланиладиган кенг қамровли жазоларни назарда тутати, масалан, зўравонлик ёки қўрқитиш ёхуд қарз билан манипуляция қилиш, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни ушлаб туриш ёки иммиграция органларига хабар бериш каби нозикроқ усуллардан фойдаланиш;
- ▶ Ихтиёрий равишда таклиф қилинган: ишчининг ишга киришда эркинлиги, иш тўғрисида хабардор бўлган ҳолда унга розилик берганлиги ҳамда исталган вақтда ундан кетиши мумкинлигини англатади. Бу, масалан, ишчининг иш берувчи ёки ишга ёлловчининг ёлғон ваъдаларига ишонган ҳолда берган розилиги, ҳақиқий ҳолатни билган тақдирда бундай ишга розилик бермаган бўлганлиги каби ҳолат эмас.

Ўзбекистон қонунчилигида мажбурий меҳнатга биринчи марта жалб қилганлик учун маъмурий жазо назарда тутилган. Бундай ҳуқуқбузарлик бир йил ичида такроран содир этилса, унда у жиноий қилмиш деб топилади. Бироқ, мазкур ҳуқуқбузарлик вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилса, унда у жиноий жазоланадиган хатти-ҳаракат деб ҳисобланади.

Меҳнат миграцияси соҳасида мажбурий меҳнатни тақиқлаш Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида”ги Қонуни лойиҳасида ҳам назарда тутилган.

Қаранг: [мажбурий меҳнат индикаторлари](#) ва [одам савдосу](#).

Мажбурий меҳнат индикаторлари

(Манба: ХМТ, 2012 йил. Мажбурий меҳнат индикаторлари)

Индикаторлар мажбурий меҳнат ҳолатларининг мавжуд бўлиши мумкинлигини кўрсатадиган энг кенг тарқалган белгилар ёки “ишоралар”ни ифодалайди. Индикаторлар ХМТнинг Мажбурий меҳнатга қарши кураш бўйича махсус ҳаракатлар дастурининг (SAP-FL) назарий ва амалий тажрибасидан олинган.

Баъзи ҳолларда маълум бир вазиятда битта индикаторнинг борлиги мажбурий меҳнатнинг мавжудлигини англатиши мумкин. Бироқ, бошқа вазиятларда мажбурий меҳнатга ишора қилувчи бир нечта индикаторларни излаш керак бўлиши мумкин. Умуман олганда, ўн битта индикатордан иборат тўпلام мажбурий меҳнат билан боғлиқ вазиятлардаги эҳтимолий асосий элементларни қамраб олади ва шу сабабли у ёки бу ходимнинг мазкур жиноят қурбони бўлган бўлмаганлигини баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бу индикаторлар қуйидагилардир:

- ▶ [Заифликни суиистеъмол қилиш](#)
- ▶ [Алдов](#)

- [Ҳаракатнинг чекланиши](#)
- [Изоляция](#)
- [Жисмоний ва жинсий зўравонлик](#)
- [Кўрқитиш ва таҳдидлар](#)
- [Шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни ушлаб туриш](#)
- [Иш ҳақини ушлаб қолиш](#)
- [Қарз қуллиги](#)
- [Оғир иш ва яшаш шароитлари](#)
- [Иш вақтидан ташқари ҳаддан зиёд иш](#)

Қаранг: [мажбурий меҳнат](#).

Малакасиз ишчи (->Паст иш ҳақи ва паст малакали ишчи кучи)

Қаранг: [паст иш ҳақи ва паст малакали ишчи кучи](#).

Мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш

(Манба: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти котибияти, 2008 йил. Бош котиб бюллетени: Дискриминация, таъқиб, шу жумладан жинсий таъқиб ва ҳокимиятни суиистеъмол қилишни тақиқлаш, СТ/СГБ/2008/5 (2008 йил); Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (1994 йил))

Мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш – бу бошқа шахсга нисбатан нотўғри таъсир ўтказиш ҳамда куч ёки ваколатдан фойдаланиш. Бу, айниқса, шахс ўз таъсири, кучи ёки мансаб ваколатидан бошқа бировнинг мансаби ёки меҳнат шароитларига, жумладан, лавозимга тайинлаш, топшириқ бериш, меҳнат шартномасини янгилаш, иш фаолиятини баҳолаш ёки лавозимда кўтарилишига таъсир ўтказиш учун нотўғри фойдаланганда хавотирли ҳисобланади. Мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш кўрқитиш, таҳдид, шантаж ва мажбурлашни қамраб олган душманлик ёки ҳақоратомуз иш муҳитини яратишга қаратилган хатти-ҳаракатларни ўз ичига олиши мумкин. Дискриминация ва таъқиблар, шу жумладан жинсий таъқиб, айниқса мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш билан бирга келганда хавотирли саналади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 205-моддасида мансаб ваколатини суиистеъмол қилганлик учун жинсий жавобгарлик белгиланган.

Қаранг: [дискриминация](#), [зўравонлик ва таъқиб](#), [жинсий таъқиб](#).



Мақсадли гуруҳ

Аралашув (интервенция) қаратилган аниқ гуруҳ ёки одам. Бу борада “мижоз” атамаси ҳам қўлланилади. Бу атамалар “бенефициар” атамасидан кўра маъқулроқдир, чунки ушбу атама ёрдамни пассив тарзда олувчини билдириб, ушбу жараёнда қатнашаётган шахснинг мустақиллигига путур етказди ҳамда жалб қилинганлик ва ҳамкорликни назарда тутмайди.

Меҳнат бозори

(Манба: ХМТ, 2016 йил. Меҳнат бозорининг асосий индикаторлари. 9-нашр)

Меҳнат бозори – бу аниқ бир ишларни бажариш учун ишчиларни ёллаш ва ишга жойлаштиришга оид фаолият, шунингдек, у ёки бу вазифаларни бажарганлик учун кимга ва қанча ҳақ тўланиши кераклигини аниқлаш жараёни. Бундан ташқари, меҳнат бозори ишчиларнинг турли иш ўринлари ва иш берувчилар ўртасидаги мобиллиги билан боғлиқ. Иқтисодий назарияда меҳнат бозори – бу жисмоний жой эмас, балки ишчи кучига талаб ва таклиф ўзаро тўқнаш келадиган “жой” ҳисобланади. Умуман олганда, меҳнат бозори бир қатор кичик бозорларга, жумладан, минтақавий ва тармоқ бозорларига, шунингдек, муайян касблар, малакалар ва шахслар тоифалари бозорларига бўлинади.

Меҳнат бозорининг мобиллиги

Меҳнат бозорининг мобиллиги, одатда, ишчиларнинг касблар ёки иш берувчилар ўртасида ёхуд мамлакат ичидаги географик жойлашувлар ўртасидаги ҳаракатланиши билан белгиланади. Агар ишчилар (муҳожирлар) биринчи иш берувчининг розилигисиз шартномани бир томонлама бекор қилиш ва бошқа иш берувчига кўчиб ўтиш эркинлигига эга бўлсалар, бунда улар мажбурий меҳнат ҳолатларига камроқ дуч келдилар.

Меҳнат миграцияси

(Манба: ХМТ, 2018 йил. Халқаро меҳнат муҳожирлари бўйича глобал ҳисоб-китоблар – натижалар ва методология)

Меҳнат миграцияси деганда одамларнинг даромад келтирадиган ишни топиш мақсадида бир географик жойдан иккинчисига кўчиши тушунилади. Халқаро меҳнат миграцияси ҳам худди шу мақсадларни кўзлаб чегарани кесиб ўтишни

назарда тутати. Иқтисодий назарияда ички (масалан, қишлоқдан шаҳарга) ва халқаро меҳнат миграцияси ўртасида фарқ мавжуд эмас. Бундай фарқлар, агар кимдир [келиб чиқиш мамлакатидан](#) бошқа мамлакатда ишга киришни хоҳласа ёки иш берувчи бошқа давлатдаги ишчини ёллаганида юзага келадиган ҳуқуқий масалалардан келиб чиқади.


2017 йилда дунёдаги 258 миллионга яқин халқаро муҳожирларнинг 164 миллионини [меҳнат муҳожирлари](#) ташкил этган (12 ой ёки ундан кўпроқ вақт давомида келиб чиқиш мамлакатидан ташқарида бўлган шахслар сифатида белгиланади). Бугунги кунда миграция кўп жиҳатдан бевосита ёки билвосита иш олами билан боғлиқ. Иш излаб чегарани кесиб ўтаётган шахслардан ташқари, [борадиган мамлакатнинг](#) меҳнат бозорини ишчи кучи билан тўлдириши мумкин бўлган уларнинг оила аъзолари ҳам бор; чет элда таълим олиш имконияти эса уларнинг кейинчалик ишга жойлашишига олиб келиши мумкин.

Меҳнат муҳожирлари

(Манба: ХМТ, 2019 йил. Ходимларни адолатли ёллаш бўйича умумий тамойиллар ва тезкор йўриқномалар ҳамда ишга ёллашга оид тўловлар ва шунга оид харажатлар тушунчаси; Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси)

Маъқул атама: “чет эллик ишчи”, “иқтисодий муҳожир”, “меҳмон ишчи” ёки “хорижлик ишчи” атамасидан кўра “меҳнат муҳожирлари” атамаси маъқулроқ.

Меҳнат муҳожирлари деганда ишга жойлашиш мақсадида ўзи фуқароси бўлмаган мамлакатга кўчиб борадиган ёки кўчиб борган шахс тушунилади. ХМТ ҳисоб-китобларига кўра, 2019 йилда дунё бўйлаб қарийб 169 миллион нафар меҳнат муҳожирлари бўлган. Бироқ, бу рақам белгиланган мамлакатда доимий яшовчи аҳоли тоифасига кирмайдиган меҳнат муҳожирларини, масалан, мавсумий ишчиларни ҳисобга олмайди. Бу борада кенгроқ маълумотни олиш мақсадида 2018 йилда Халқаро меҳнат статистиклари конференцияси томонидан халқаро меҳнат муҳожирининг янги таърифи қабул қилинган бўлиб, у мамлакатдаги меҳнатга лаёқатли ёшдаги, оддий резидент бўлган ёки резидент бўлмаган, лекин ҳозирда ушбу мамлакатда бўлган ва ишлаётган ёки иш қидираётган барча шахсларни ўз ичига олади.



Меҳнат муҳожирлари учун ресурс марказлари

(Манба: ХМТ, 2014 йил. Меҳнат муҳожирлари ресурс маркази фаолияти бўйича қўлланма)

Меҳнат муҳожирлари учун ресурс марказлари давлат ташкилотлари, [касаба уюшмалари](#) ёки фуқаролик жамияти ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш орқали [меҳнат муҳожирлари](#) ва уларнинг [борадиган мамлакатлардаги](#) жамоаларига бевосита хизматлар кўрсатади. Ушбу ресурс марказлари меҳнат миграцияси ҳақида маълумот беради ва саволлар бериш, шикоят қилиш ва юридик ёрдам олиш учун имконият яратади. Ресурс марказлари ва жамоаларда маслаҳатлар тарғибот тадбирлари ва учрашувлар давомида, шунингдек, онлайн ва телефон орқали бериб борилади.

Меҳнат стандартлари

Халқаро меҳнат стандартлари – бу ХМТнинг аъзолари (ҳукуматлар, иш берувчилар ва ишчилар) томонидан ишлаб чиқилган ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиб, меҳнатдаги асосий тамойиллар ва ҳуқуқларни белгилайди. Меҳнат стандартлари ХМТнинг ҳар йилги Халқаро меҳнат конференциясида қабул қилинади. Улар конвенциялар ёки тавсиялардир. Конвенциялар аъзо давлатлар томонидан ратификация қилиниши мумкин бўлган юридик жиҳатдан мажбурий характерга эга халқаро шартномалардир, тавсиялар эса мажбурий бўлмаган кўрсатмалар ҳисобланади. Ратификация қилувчи мамлакатлар конвенцияни миллий қонунчилик ва амалиётда имплементация қилиш ва унинг татбиқ этиб борилиши ҳақида мунтазам равишда ҳисобот бериш мажбуриятини олади.

ХМТнинг Бошқарув кенгаши саккизта конвенцияни фундаментал деб белгилаган бўлиб, улар меҳнат соҳасидаги фундаментал тамойил ва ҳуқуқлар сифатида қараладиган масалаларни қамраб олади. Саккизта конвенция қуйидаги масалаларни ўз ичига олади: бирлашиш эркинлиги ва жамоа музокараларини ўтказиш ҳуқуқини самарали тан олиш; мажбурий меҳнатнинг барча шакллариغا барҳам бериш; болалар меҳнатини самарали тугатиш; ишда ва машғулотлар соҳасида дискриминацияга барҳам бериш. ХМТнинг барча фундаментал конвенциялари Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган.

Меҳнат фаолиятини амалга оширишга рухсатнома

Меҳнат фаолиятини амалга оширишга рухсатнома – бу ҳукумат томонидан ушбу давлат фуқароси бўлмаган шахсларга белгиланган шартлар асосида мамлакат ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга оширишга рухсат берувчи юридик ҳужжат.

Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси

(Манба: Алли Б.О. ХМТ, 2008 йил. Касбий саломатлик ва хавфсизликнинг фундаментал принциплари. Иккинчи нашр.)

Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ишчиларнинг соғлиғи ва фаровонлигига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган иш жойида ёки меҳнат фаолияти давомида юзага келадиган хавф-хатарларни, уларнинг ён-атрофга ва умумий муҳитга таъсирини инobatга олган ҳолда, олдиндан кўра олиш, ажрата олиш, баҳолаш ва назорат қилиш ҳақидаги фан сифатида таърифланади.

ХМТ меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига оид 40 дан ортиқ стандартларни, шунингдек, 40 дан кўп Амалиёт кодексларини қабул қилган (қаранг: Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига оид халқаро меҳнат стандартлари).


Меҳнат ҳақининг энг кам миқдори

(Манба: ХМТнинг “Энг кам иш ҳақини белгилаш тўғрисида”ги Конвенцияси, 1970 йил (131-сон))

Меҳнат ҳақининг энг кам миқдори иш берувчи томонидан ходимга маълум бир даврда бажарилган иш учун тўланиши шарт бўлган иш ҳақининг энг кам миқдори бўлиб, у жамоа шартномаси ёки индивидуал келишув асосида камайтирилиши мумкин эмас. Меҳнат ҳақининг энг кам миқдорини белгилашда ҳукуматлар қуйидагиларга эътибор беришлари керак:

- ▶ Мамлакатдаги иш ҳақининг умумий даражаси, яшаш учун сарфланадиган маблағ, ижтимоий таъминот тўловлари ва бошқа ижтимоий гуруҳларнинг нисбий турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда ишчилар ва улар оила аъзоларининг эҳтиёжлари;
- ▶ Иқтисодий омиллар, жумладан, иқтисодий ривожланиш талаблари, унумдорлик даражалари ҳамда бандликнинг юқори даражасига эришиш ва уни сақлаб қолишга бўлган хоҳиш.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига кўра, меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Меҳнат ҳақи



қонунчилик билан белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирон-бир тарзда чегараланмайди.

Қаранг: [тирикчилик учун энг кам миқдор](#).

Меҳнатга ҳақ тўлашдаги дискриминация

Меҳнатга ҳақ тўлашдаги дискриминация эркаклар ва аёллар, маҳаллий ходимлар ва [меҳнат муҳожирлари](#) ёки бир хил ишни бажарадиган турли миллат меҳнат муҳожирлари ўртасидаги тенгсизликни намоён қилади. Халқаро миқёсда эркаклар ва аёллар ўртасидаги меҳнатга ҳақ тўлашдаги дискриминация муаммоси ХМТнинг 1951 йилдаги “Бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш тўғрисида”ги 100-сон Конвенцияда аниқ белгилаб қўйилган.

Қаранг: [дискриминация](#).

Меҳнат эксплуатацияси

Бу атама [муносиб меҳнатга](#) мувофиқ бўлмаган меҳнат шароитлари ва амалиётларининг кенг тармоғини ўз ичига олганлиги сабабли уни қабул қилиш номақбул ҳисобланади. Улар бир томонда экстремал эксплуатация, шу жумладан [мажбурий меҳнат](#) ва [одам савдосини](#) қамраб олса, бошқа томонда иш ҳақини тўлашни кечиктиришни ёки тўламаслик каби номақбул меҳнат шароитларини қамраб олади. Бугунги кунда халқаро ҳуқуқда эксплуатациянинг таърифи мавжуд эмас.

Қаранг: [эксплуатация](#), [мажбурий меҳнат](#) ва [одам савдоси](#).

Миграция коридори

Миграция коридори – бу миграция алоқалари ўрнатилган икки давлат ўртасидаги миграция йўли.

Муносиб меҳнат


(Манба: ХМТ, 2020 йил. Муносиб меҳнат)

Муносиб меҳнат одамларнинг касбий ҳаётидаги интилишларини ўзида мужассам этади. Муносиб меҳнат бу – самарали ҳамда адолатли даромадни таъминлайдиган, иш жойида хавфсизлик ва оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини кафолатлайдиган, шахсий ривожланиш ва ижтимоий интеграциялашув учун энг яхши истиқболларни белгилайдиган, одамларга ўз хавотирларини билдириш ҳамда уларнинг ҳаётига таъсир қилувчи қарорларни қабул қилишда бирлашиш ва бундай тадбирларда иштирок этиш эркинлигини таъминлайдиган меҳнат ҳисобланади. Бундай меҳнат аёллар ва эркеклар учун [тенг имконият](#) ва шароитларни назарда тутди. Муносиб меҳнат адолатли глобаллашув ва қашшоқликни камайтиришнинг асосий элементидир. Муносиб меҳнатга эришиш янги иш ўринларини яратиш, меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий мулоқотни тақозо қилади, бунда гендер тенглиги эса ушбу мақсадлар билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади.

Муҳожир

(Манба: БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий масалалар департаменти, 2012 йил. Халқаро миграция бўйича йўриқнома)

Халқаро муҳожирнинг расмий юридик таърифи мавжуд бўлмаса-да, аксарият экспертлар, халқаро муҳожир – бу миграциянинг сабаби ёки ҳуқуқий мақомидан қатъий назар, ўзининг доимий яшаш жойини ўзгартирадиган шахс, деган фикрга қўшилади. Умуман олганда, қисқа муддатли ёки вақтинчалик миграция 3 ойдан 12 ойгача кўчишни назарда тутса, узоқ муддатли ёки доимий миграция бир йил ва ундан кўпроқ вақт давомида ўзининг яшаш мамлакатини ўзгартиришни назарда тутди.



Н

Низом

(Манба: ХМТ. Тезаурус – норматив ҳужжат)

Ҳукуматнинг қонун кучига эга ҳужжати.

Норасмий иқтисодиёт

(Манба: Хуссманнс Р., 2003 йил. Норасмий бандликнинг статистик таърифи: Меҳнат статистикаси бўйича ўн еттинчи халқаро конференция томонидан маъқулланган йўриқнома)

Одатда кичик ва/ёки рўйхатдан ўтмаган корхоналарда мавжуд бўлган бандлик ва ишлаб чиқариш масалалари меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат стандартлари билан қамраб олинмайди. Бу норасмий корхоналарда (кичик ва рўйхатдан ўтмаган корхоналарда) ўзини ўзи банд қилиш ҳамда норасмий ва расмий корхоналар, уй хўжаликлари ёки [иш берувчилари](#) аниқ бўлмаган жойларда (тартибга солинмаган ва ҳимояланмаган ишларда) ҳақ тўланадиган бандликни ўз ичига олади.

Ноқонуний мақомга эга муҳожир (-> Расмий мақомга эга бўлмаган муҳожир)

Қаранг: [расмий мақомга эга бўлмаган муҳожир](#).

Ноқонуний миграция (-> Ҳужжатлаштирилмаган миграция)

(Манба: БМТнинг Цивилизациялар альянси, 2014 йил. Миграция бўйича оммавий ахборот воситалари учун қулай глоссарий)

Ноқонуний миграция – келиб чиқиш ва борадиган мамлакатларнинг тартибга солиш нормаларидан ташқарида содир бўладиган трансчегаравий ҳаракат. [Борадиган мамлакат](#) нуқтаи назаридан, бу давлатнинг қонунчилигига мувофиқ

зарур рухсатнома ёки ҳужжатларсиз кириш, унда қолиш ёки ишга жойлашишни англатади.

Келиб чиқиш мамлакати нуқта назаридан, қоидабузарлик, масалан, шахс халқаро чегарани ҳақиқий бўлмаган паспорт ёки йўл ҳужжатисиз кесиб ўтганда ёхуд мамлакатни тарк этиш бўйича маъмурий талабларни бажармаган ҳолларда кўринади.

Меҳнат муҳожирлари транзит ёки борадиган мамлакатга рухсатсиз кириш вақтидан бошлаб ноқонуний ҳолатда деб ҳисобланиши ёки улар дастлаб қонуний кирган бўлсаларда, кейинчалик ноқонуний мақомга эга бўлишлари мумкин. Мамлакатда қонуний мақомга эга бўлган меҳнат муҳожирлари меҳнат фаолиятини амалга оширишга ёки бошқа турдаги рухсатноманинг муддати тугаганидан кейин мамлакатда қолиши ёки мазкур рухсатнома бевосита боғлиқ бўлган виждонсиз иш берувчини тарк этиши мумкин. Бошқа ҳолларда, “ишлаш тақиқланган” ёки “фақат махсус мутахассислик бўйича ишлаш мумкин” каби чекловлар татбиқ этиладиган муҳожирлар кейинчалик рухсат берилмаган ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланишлари мумкин. Халқаро чегаралар орқали контрабанда ёки бошқа ноқонуний йўллар билан олиб ўтилган муҳожирлар кўп ҳолларда рухсатсиз мамлакат ҳудудига кирган ҳисобланади ва шунинг учун ноқонуний ҳолатга тушиб қолади.

Ноқонуний муҳожир (-> Расмий мақомга эга бўлмаган муҳожир)

Қаранг: расмий мақомга эга бўлмаган муҳожир.

Ноқонуний фойда

(Манба: ХМТ, 2014 йил. Фойда ва қашшоқлик: мажбурий меҳнатнинг иқтисодиёти)

Мажбурий меҳнатдан олинадиган фойда, ўз таърифига кўра, ноқонуний ҳисобланади. Мажбурий меҳнатдан келиб чиқадиган ноқонуний фойда – бу ўртача қўшилган иқтисодий қиймат билан иш ҳақи тўлаш ва оралиқ истеъмолга сарфланган харажатлар йиғиндиси ўртасидаги фарқ сифатида белгиланади.

Қаранг: мажбурий меҳнат.



О

Одам савдоси

(Манба: БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протоколи; [Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни](#), 2020 йил)

Одам савдоси - куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларида фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, [алдов](#), ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамларни [эксплуатация](#) қилиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамларни эксплуатация қилиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг бошқа шакллари, [мажбурий меҳнат](#) ёки хизматларни, [қуллик](#) ёки қулликка ўхшаш одатларни, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади.

Ўзбекистонда “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилиниб, унда одам савдосига қарши курашишга оид нормалар, тегишли давлат ва нодавлат ташкилотларининг вазифалари, жабрланувчиларни ҳимоя қилиш ва профилактикага доир чора-тадбирлар кенг ёритиб берилган. Қонунда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи коллегиял орган ҳисобланган Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссиясига тегишли нормалар ҳам мавжуд.

Одил судловга эришиш

(Манба: Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси)

Меҳнат миграцияси контекстида одил судловга эришиш деганда [меҳнат муҳожирларининг](#) маълумот излаш, дуч келаётган муаммоларини олдини олиш, улар ҳақида хабар бериш ёки уларни ҳал этишда ҳуқуқий кўмак ёки хизматларни олиш қобилияти тушунилади. Одил судловга эришиш қуйидагиларни назарда тутиши мумкин:

- Қонун ва унинг меҳнат муҳожирига таъсири тўғрисида маълумот олиш;

- ▶ Ҳуқуқий муаммо мавжудлигини ва уни ҳал қилишнинг қандай йўллари борлигини аниқлай олиш;
- ▶ Ҳуқуқий муаммо бўйича тегишли кўмак олиш – бундай ёрдамни кўрсатишга ҳалал бериши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувида бўлмаган малакали шахсдан (масалан, бандлик агентлиги ҳуқуқий муаммо иштирокчиси бўлиши мумкин ва бундай ҳолатда унинг ёрдами ноҳолис ҳисобланади);
- ▶ Қонунларга ўзгартириш киритишни ва қонунчиликка меҳнат муҳожирларига таъсир қиладиган ўзгартиришлар киритилганда уларнинг таклифлари эътиборга олинишини сўраш имконига эга бўлиш.


Ўзбекистон қонунчилиги меҳнат муҳожирларига уларнинг ҳуқуқлари бузилганда ёки бандлик агентликлари қарорларидан норози бўлган тақдирда маъмурий ва фуқаролик-ҳуқуқий тартибда шикоят билан мурожаат қилиш механизмини таъминлаб берган. Шунингдек, Ўзбекистон қонунчилигида меҳнат муҳожирларининг ҳуқуқлари қўпол равишда бузилган тақдирда [жиноят тўғрисида ариза](#) бериш ҳуқуқи белгилаб қўйилган. Бугунги кунда Ўзбекистонда муҳожирларга ҳуқуқий ва бошқа ёрдамни кўрсатадиган бир қатор ҳуқуқий механизмлар мавжуд. Хусусан, улар судга, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва унинг ҳудудий органларига ҳамда прокуратура идораларига мурожаат қилишлари мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида фаолият олиб бораётган меҳнат муҳожирлари ўзларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида бошқалар қаторида дипломатик ва консуллик ваколатхоналарига, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ва унинг ушбу давлатлардаги ваколатхоналарига мурожаат қилишлари мумкин.

Қаранг: [шикоят қилиш механизми](#).

Омон қолганлар

Омон қолганлар – бу зўравонлик ёки бошқа травмаларни бошидан кечирган шахслардир. “Омон қолганлар” атамаси одатда психологик ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш секторларида қўлланилади, чунки у зўравонликни бошидан кечирган одамнинг чидамлилигини англатади ва омон қолган шахслар учун маъқул атама бўлиши мумкин. “Жабрланувчи” атамаси кўпинча ҳуқуқ ва тиббиёт соҳаларида қўлланилади ва [гендерга асосланган зўравонлик](#), [одам савдоси](#) ва [мажбурий меҳнатнинг](#) кўп шакллари жиноят эканлигини тан олади.

Қаранг: [жабрланувчи](#).



Омон қолганларга мўлжалланган ёндашув

(Манба: ЮНФПА, Фавқулодда вазиятларда гендерга асосланган зўравонликни бошқариш: электрон таълим бўйича қўлланма, 2012 йил)

Аёлларга нисбатан қўлланилган зўравонлик ҳолатлари бўйича омон қолганларга мўлжалланган ёндашув омон қолган шахснинг ҳуқуқлари, эҳтиёжлари ва истакларини биринчи ўринга қўйиб, унинг имкониятларини кенгайтиришга интилади. Бу шуни англатадики, ҳар қандай шаклдаги мулоқот (жавоб бериш ёки профилактика) да омон қолганнинг хавфсизлиги, қарорларни қабул қилишда эркинлиги, розилиги ва махфийлиги биринчи ўринда туради. Бу, шунингдек, омон қолганларнинг тегишли, қулай ва сифатли хизматлардан фойдаланиш имкониятини таъминлашни англатади, жумладан:

- ▶ Тиббий хизмат;
- ▶ Психологик ва ижтимоий ёрдам;
- ▶ Хавфсизлик;
- ▶ Юридик хизматлар.

Оғир иш ва яшаш шароитлари (мажбурий меҳнатга олиб келадиган вазиятларда)

(Манба: ХМТ, 2012 йил. Мажбурий меҳнат индикаторлари)

Мажбурий меҳнатдан жабр кўрганлар/омон қолганлар эркин ҳолатда бўлганда ҳеч ким хоҳламайдиган шароитларда яшаш ва меҳнат қилишга мажбур бўлишлари мумкин. Иш инсон қадр-қимматини камситувчи (таҳқирловчи ёки кир) ёхуд хавфли (тегишли ҳимоя воситаларисиз қийин ёки хавфли бўлган) шароитларда ҳамда меҳнат қонунчилигини жиддий бузган ҳолда бажарилиши мумкин. Ишчилар қоникарсиз шароитларда, одамлар ниҳоятда кўп бўлган ёки носоғлом муҳитда ҳеч қандай шахсий ҳаётсиз яшашлари мумкин, булар ҳам [мажбурий меҳнатнинг индикаторларидан](#) бири саналади.

Биргина оғир иш ва яшаш шароитларининг ўзи мажбурий меҳнатнинг мавжудлигини исботламайди, афсуски, одамлар баъзан [келиб чиқиш мамлакатида](#) муқобил ёки муносиб иш топиш имкониятлари йўқлиги сабабли оғир шартларни “ихтиёрий равишда” қабул қилишлари мумкин. Бироқ, оғир шароитлар эксплуатация қилинган ишчиларнинг ишни ташлаб кетишига тўсқинлик қилувчи эҳтимолий мажбурлашнинг мавжудлиги юзасидан “огоҳлантириш” сигналинини бериши керак.

Қаранг: [мажбурий меҳнат](#).

П

Паст баҳоланган иш

(Манба: ХМТ, 2011 йил. Биз паст маошли иш ва паст маош оладиган ишчилар ҳақида нималарни биламиз)

Маъқул атама: “паст маошли меҳнат” ёки “паст малакали ишчи кучи” атамасидан кўра “паст баҳоланган иш” атамаси маъқулроқ.


“Паст маошли иш” атамаси баъзан иш билан таъминлашнинг маълум соҳаларида ишни ишчиларга тўланадиган пул миқдори билан белгилаш учун ишлатилади. Кам иш ҳақи тўланадиган тармоқларга қуйидагилар киради: [уй меҳнати](#), қурилиш ишлари, қишлоқ хўжалиги ишлари, хизмат кўрсатиш соҳасининг бир қисми ва қўл меҳнатининг кир, хавfli ва оғир деб ҳисобланган бошқа шакллари. Ушбу соҳалардаги ишларни “паст баҳоланган иш” деб аташ афзалроқ, чунки “паст маошли иш” атамаси ушбу секторда паст миқдордаги иш ҳақини тўлаш бўйича иқтисодий қарор бозор иқтисодиёти фаолиятдан ташқари, бошқа омиллар билан ҳам асосланганлигини англатиши мумкин.

Паст иш ҳақи ва паст малакали ишчи

(Манба: ХМТ, 2011 йил. Биз паст маошли иш ва паст маош оладиган ишчилар ҳақида нималарни биламиз)

Маъқул атама: “паст малакали ишчи” ёки “малакасиз ишчи” атамасидан кўра “паст маош оладиган ишчи” атамаси маъқулроқ.

“Паст маош оладиган ишчи” атамаси баъзан маълум бир бандлик соҳаларида иш ҳақи миқдorigа мос равишда паст маошли ишни бажарадиган ишчиларни таърифлаш учун ишлатилади. “Малакасиз ёки паст малакали ишчи” атамасини ишлатмаслик маъқул, чунки бу ишчиларнинг тажрибаси, малакаси ва ўсиш қобилиятига салбий баҳо беришни англатади. Бундан ташқари, “паст малакали ишчи” атамаси доирасида турли малака даражалари, хусусан ишчилар тегишли тайёргарлик, билим, малака ва ишида самарадорликка эгаллиги инобатга олинмайди. Ушбу атамани [меҳнат муҳожирларига](#) нисбатан қўллашда ҳам эҳтиёт бўлиш керак. Уларнинг кўпчилиги ўзлари ишлаётган мамлакатларда малакаси тан олинмаганлиги ёки иш берувчи томонидан олдиндан ўрганилмаганлиги сабабли, маълум соҳаларда ишлашга мажбур бўладилар. Айниқса аёллар дискриминация сабабли паст маош тўланадиган соҳаларда ишлашларига тўғри келади.



Паст иш ҳақи ва паст малакали ишчи кучи

(Манба: ХМТ, 2011 йил. Биз паст маошли иш ва паст маош оладиган ишчилар ҳақида нималарни биламиз; ХМТ, 2010 йил. Ҳисобот IV(1): Уй ишчилари учун муносиб меҳнат, Халқаро меҳнат конференцияси 99-сессияси; Касбларнинг халқаро стандарт таснифи, 2008 йил. ISCO-08.)

Маъқул атама: “паст малакали иш” ёки “малакасиз иш” атамасидан кўра “паст маошли иш” ёки “паст баҳоланган иш” атамаси маъқулроқ.

“Паст маошли иш” ёки “паст маошли меҳнат” атамаси баъзан иш билан таъминлашнинг маълум соҳаларида ишни ишчиларга тўланадиган пул миқдори билан белгилаш учун ишлатилади. Паст маош тўланадиган соҳаларга [уй меҳнати](#), қурилиш, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳасининг айрим йўналишлари ва қўл меҳнатининг бошқа шакллари киради, улар кўпинча тегишли мамлакатларнинг ўз ишчилари учун жозибали эмас.

Иқтисодиётда ишлатиладиган атама бўлсада, “малакасиз иш” атамасини ишлатишдан қочиш керак. “Паст малакали иш” атамасини ҳам ишлатмаслик маъқул, чунки бу ишчиларнинг тажрибаси, малакаси ва ўсиш қобилиятига салбий баҳо беришни англатади. Бундан ташқари, “паст малакали иш” атамаси доирасида турли малака даражалари, хусусан ишчилар тегишли тайёргарлик, билим, малака ва ишида самарадорликка эгаллиги инобатга олинмайди. Ушбу атамани [меҳнат муҳожирларига](#) нисбатан қўллашда ҳам эҳтиёт бўлиш керак. Уларнинг кўпчилиги қонун ёки ижтимоий нормалар билан малакаларидан қатъий назар, маълум соҳаларда ишлашга мажбур бўладилар. Айниқса аёллар дискриминация сабабли паст маош тўланадиган соҳаларда ишлашларига тўғри келади. “Паст маошли иш” атамасини эҳтиёткорлик билан ишлатиш зарур, чунки бу маълум бир соҳада паст миқдорда иш ҳақини тўлашга оид иқтисодий қарор бозор иқтисодиётининг ишлашидан фарқ қиладиган бошқа омиллар билан асосланишини англатиши мумкин.

“Паст баҳоланган иш” атамаси, айниқса, лозим даражада тартибга солинмаган уй меҳнати доирасида жуда мос, чунки бунда уй ишчилари ортиқча ишлаши, кам ҳақ олиши ва ҳимояланмаган бўлиши мумкин. Уй меҳнати кўплаб мамлакатларда бандлик шакли сифатида деярли кўринмас бўлиб қолмоқда, чунки у асосан аёллар томонидан хусусий уйларда изоляция қилинган ҳолда амалга оширилади. Уй меҳнати одатда аёллар томонидан анъанавий тарзда уй хўжалигида бажариладиган бошқа ҳақ тўланмайдиган меҳнатни ўз ичига олади, бу эса уй меҳнати нима учун пул шаклида паст баҳоланиши ҳамда кўпинча норасмий ва ҳужжатлаштирилмаганлигини англатади. Шунингдек, уй меҳнати одатий иш билан боғлиқ бўлмаган иш сифатида қабул қилинади ва натижада қонун ҳужжатларида акс эттирилмайди, бу эса ўз навбатида уй ишчиларини тенгсизлик, адолатсизлик ва кўпинча таҳқирловчи муомалага дучор қилади.

Қаранг: [паст иш ҳақи ва паст малакали ишчи](#).

Психологик зўравонлик

(Манба: БМТ Аёллар қўмитаси, 2010 йил. “Дастурлаш асослари” ҳамда “Мониторинг ва баҳолаш” бўлимларидан атамалар глоссарийси)

Шахсининг ўзининг қадр-қиммати, шахсияти ёки ривожланишига путур етказадиган ҳар қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик. Унга камситиш, болаларни васийлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан таҳдид қилиш, оила аъзолари ёки дўстларидан мажбуран изоляция қилиш, шахсга ёки унинг яқинларига зарар етказиш билан таҳдид қилиш, тинимсиз бақириш ёки таҳқирлаш, қўрқитувчи сўзлар ёки имо-ишоралар орқали қўрқувни уйғотиш, хатти-ҳаракатни назорат қилиш ва мол-мулкни йўқ қилиш билан қўрқитиш ва бошқалар киради.


Психологик тазйиқ

(Манба: БМТ Аёллар қўмитаси, 2010 йил. “Дастурлаш асослари” ҳамда “Мониторинг ва баҳолаш” бўлимларидан атамалар глоссарийси)

Қўрқитиш ва таъқиб қилишга қаратилган хатти-ҳаракат бўлиб, у ташлаб кетиш ёки зўравонлик, уйга қамаб қўйиш, кузатув олиб бориш, болалардан васийликни олиб қўйиш, турли предметларни йўқ қилиш, изоляция қилиш, оғзаки тажовуз ва доимий ҳақорат шаклида бўлади.

Пул ўтказмалари

Пул ўтказмалари – бу [меҳнат муҳожирлари](#) томонидан ишлаб топилган ёки орттирилган ва ўзининг [келиб чиқиш мамлакатига](#) юбориладиган пул маблағлари ҳисобланади. Пул ўтказмалари расмий банк ёки квази-банк ўтказмалари тизимлари орқали кўпинча катта харажатлар эвазига ёки норасмий пул ўтказмалари тизимлари, жумладан, қўлдан-қўлга етказиш ёки мобил пул тизимлари орқали юборилиши мумкин. Юқори маош олиш ва уйга пул ўтказмаларини юбориш имконияти камбағал мамлакатлардан келган меҳнат муҳожирларининг асосий мотивацияси ҳисобланади.



Р

Расмий мақомга эга бўлмаган муҳожир

Маъқул атама: “ноқонуний муҳожир” атамасидан кўра “расмий мақомга эга бўлмаган муҳожир” “ҳужжатлаштирилмаган муҳожир” ёки “ноқонуний мақомга эга муҳожир” атамаси маъқулроқ.

Расмий мақомга эга бўлмаган муҳожир ёки ҳужжатлаштирилмаган муҳожир – бу [борадиган мамлакатга](#) кириш, унда яшаш ва ишлаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс. Муҳожирлар кўпинча ўзларининг мақомини белгиловчи мураккаб омилларни унчалик ҳам назорат қилиш имконига эга эмас, чунки бу муҳожирларнинг ҳаракатларига эмас, балки кўпроқ маъмурий жараёнларга боғлиқ. Муҳожирлар расмий мақомдан норасмий мақомга осонгина ўтишлари мумкин, ҳолбуки бунда улар бирон-бир айб иш қилмаган бўлишлари мумкин. Норасмий ҳолатда бўлган бошқа муҳожирлар орасида одам савдоси қурбони бўлган ёки мамлакатга [контрабанда](#) йўли билан олиб кирилган одамлар киради. Келиб чиқиш мамлакатада аёллар миграцияси борасида чекловлар, хусусан, соҳавий тақиқлар ёки ёш бўйича чекловлар мавжуд бўлган ҳолларда аёллар кўпинча ноқонуний миграция сари йўналтирилади – бу эса уларнинг эксплуатация ва одам савдоси олдида ожизлигини оширади. Муҳожирлар, шунингдек, норасмий мақомдан расмий мақомга ўтишлари мумкин, шу жумладан амнистия дастурлари асосида бундай қарорлар қабул қилиниши мумкин.

Кўпчилик ноқонуний мақомни жиноятчилик билан боғлайди ва расмий мақомга эга бўлмаган муҳожирларни хавфсизликка дахл қилувчи муаммо сифатида кўради. Расмий мақомга эга бўлмаган муҳожирлар кўпинча таъқиб қилиниши, қамоққа ёки ҳибсга олиниши ва депортация қилиниши мумкин, шунингдек, улар [мажбурий меҳнат](#) ва [одам савдоси](#) қурбони бўлиш хавфи остида қоладилар. Маълум бир мамлакатда ҳуқуқий мақомга эга бўлмаган ҳолда ишлаётган меҳнат муҳожирларининг ҳуқуқлари бузилган тақдирда уларнинг судга мурожаат қилиш имкони ёки умуман йўқ ёки деярли кам бўлади. “Ноқонуний мақомга эга муҳожир” атамаси қуйидаги атамадан афзалроқдир:

- “Ноқонуний муҳожир”: бу жиноий мазмунга эга бўлганлиги учун кўпинча юридик жиҳатдан нотўғри бўлади ва муҳожирларнинг инсонийлигини инкор этади,
- Шунингдек, муҳожир ноқонуний бўлмайди, балки унинг миграцияга оид мақоми ноқонуний бўлиши мумкин.

Розилик

(Манба: БМТ, Жинсий эксплуатация ва зўравонлик масалаларига оид глоссарий, 2017 йил; БМТ Аёллари “Ўзгаришларни яратувчилар, аёллар ва қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш бўйича ёш фаоллар учун йўриқнома”, 2014 йил)

Маълум бир хатти-ҳаракатнинг таъсири ва келгусидаги оқибатлари, унинг атрофидаги фактларни аниқ тушуниш ва англаш асосида бирор нарсага ихтиёрий ва эркин рози бўлиш. Инсон бирон-бир ҳаракатни амалга оширишдан бош тортиш ва/ёки мажбуранмаслик ҳуқуқига эга эканлигини билиши ва бундай ҳуқуқдан фойдаланиш имконига эга бўлиши керак. Сукут сақлаш ёки “йўқ” дея олмаслик розиликни англатмайди.

С


Сафаролди таништирув тренинги

(Манба: Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси)

Сафаролди таништирув тренинги – бу Ўзбекистонлик [меҳнат муҳожирлари](#) хорижда яшаш ва ишлашда нималар билан тўқнаш келиши мумкинлиги бўйича [борадиган мамлакатга](#) кетишидан олдин ўтиши мумкин бўлган машғулот. Яхши ўтказилган тренинглари меҳнат муҳожирларига ўзлари ва/ёки уларнинг оила аъзолари чет элга кўчиб ўтганда дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликларни олдиндан кўра билиш ва улар бўйича маълум режаларни тузиш борасида олинган билимларни ўзига мослаштириш имконини беради. Сафаролди тренинг Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан ташкил этилади.

Сафаролди тренинг турли хил масалаларни қамраб олади, хусусан:

- ▶ Борадиган мамлакат қонунлари бўйича керакли билим;
- ▶ Мажбурий меҳнат, одам савдосини олдини олиш, гендер тенглиги, жинсий таҳқирлаш, гендерга асосланган зўравонлик ва уларни олдини олиш бўйича кўникмалар;
- ▶ Тегишли чет тилини билиш даражасини ошириш;
- ▶ Ишонч телефонлари ва меҳнат муҳожирлари ишлаш вақтида ёрдам сўрашлари мумкин бўлган манзиллар ҳақида маълумот.



T

Таъқиб (-> Зўравонлик ва таъқиб)

Қаранг: [гендерга асосланган зўравонлик ва таъқиб](#) ҳамда [зўравонлик ва таъқиб](#).

Тенг имкониятлар

(Манба: Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуни (2020 йил); Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси)

Иш оламидаги тенг имкониятлар деганда иш ҳақи, меҳнат шароитлари, бандликни таъминлаш ва ижтимоий таъминотдаги тенг ҳуқуқлар тушунилади. Бутун дунё бўйлаб миллионлаб аёл ва эркалар ўз қобилиятлари ва кўникмаларидан қатъий назар, биргина гендери, ногиронлиги, ранги, этник келиб чиқиши ёки эътиқоди сабабли иш ва таълим олиш имкониятларидан маҳрум бўлиб, кам маош олади ёки маълум касблар билан чекланади.

Ўзбекистон меҳнат қонунчилигига кўра, аёллар ва эркалар тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Қаранг: [дискриминация](#).

Тирикчилик учун энг кам миқдор

(Манба: ХМТ, 2011 йил. Тирикчилик учун энг кам миқдорни ҳисоблаш: услубий шарҳ)

“Тирикчилик учун энг кам миқдор” атамаси асосий турмуш даражасини таъминлаш учун етарли бўлган, маълум бир вақт ва жой учун муносиб деб ҳисобланган ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси билан бир вақтда ортиб боровчи иш ҳақини англатади. Тирикчилик учун энг кам миқдор билан таъминланадиган турмуш даражаси нафақат ҳаёт учун зарур бўлган нарсалар (масалан, озиқ-овқат, бошпана ва кийим-кечак), балки соғлиқни сақлаш, таълим, транспорт ва дам олиш, шунингдек жамғариш ва бошқа мақсадлар учун ихтиёрий сарфлашга ҳам етарли бўлиши керак. Шунингдек, ушбу пул миқдори одатий пайтда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар чегириб ташлангандан сўнг нормал ҳаёт

тарзини кечириш учун етарли бўлиши керак. Тирикчилик учун энг кам миқдор – бу оилавий тушунча бўлиб, ишчига ўз оиласини таъминлаш имконини бериши зарур.

Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги тирикчилик учун энг кам миқдорни ҳисоблаб чиқиш методологиясини ишлаб чиқиш учун масъулдир. Бунда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ваколатли давлат органи бўлиб, ҳар йили методология асосида тирикчилик учун энг кам миқдорни эълон қилиб боради.


Транзит мамлакати

Миграция контекстида транзит мамлакати – бу шахс ёки бир гуруҳ шахсларнинг ҳар қандай саёҳат давомида белгиланган мамлакатга бориш ёки ундан қайтиш учун кесиб ўтадиган мамлакат ҳисобланади.

Тўлиқ текширувдан ўтказиш

(Манба: ХМТ, 2019 йил. Ходимларни адолатли ёллаш бўйича умумий тамойиллар ва тезкор йўриқномалар ҳамда ишга ёллашга оид тўловлар ва шунга оид харажатлар тушунчаси)

Тўлиқ текширувдан ўтказиш – бу корхонанинг ўз фаолиятининг инсон ҳуқуқларига нисбатан салбий таъсирини аниқлаш, уни олдини олиш, юмшатиш ва ҳисобга олишга қаратилган хатти-ҳаракатлари ёхуд унинг фаолияти, маҳсулотлари ёки хизматларига бевосита бизнес муносабатлари доирасида дахлдор бўлган субъектлар томонидан амалга ошириладиган бундай таъсирни баҳолаш билан боғлиқ жараённи англатади. Бундай жараён инсон ҳуқуқларига реал ва потенциал таъсирни баҳолашни, бунинг натижаларини интеграция қилиш ва тегишли чораларни кўришни, кўриладиган чора-тадбирларни мониторинг қилишни ҳамда инсон ҳуқуқларига бўладиган таъсирлар қандай бартараф этилаётганлиги тўғрисида хабардор қилишни назарда тутди.



У

Уй зўравонлиги

(Манба: БМТ Бош Ассамблеясининг “Аёлларга нисбатан уй зўравонлигини бартараф этиш тўғрисида”ги 58/147-сонли резолюцияси, A/RES/58/147 (2003 йил).

Шахсий ҳаётда содир бўладиган зўравонлик, одатда, қон ёки қариндошлик жиҳатдан ўзаро яқин бўлган шахслар орасида содир бўлади. Бу жисмоний, психологик ва жинсий зўравонлик каби турли хил шаклларда бўлиши мумкин.

Уй меҳнати ва уй ишчиси

(Манба: ХМТнинг 2011 йилдаги [“Уй ишчиларининг муносиб меҳнати тўғрисида”ги 189-сонли Конвенцияси](#))

Маъқул атама: “Уй ишчиси”.

“Уй меҳнати” ва “уй ишчиси” атамаларининг иккаласи ҳам “Уй ишчиларининг муносиб меҳнати тўғрисида”ги 189-сонли Конвенциясининг 1-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра:

- ▶ “Уй меҳнати” атамаси уй хўжалиги ёки уй хўжаликларида ёхуд улар учун бажариладиган иш тушунилади;
- ▶ “Уй ишчиси” атамаси меҳнат муносабатлари доирасида уй меҳнати билан шуғулланувчи ҳар қандай шахсни англатади;
- ▶ Уй меҳнатини касбий фаолият доирасида эмас, балки вақти-вақти билан бажарадиган шахс уй ишчиси ҳисобланмайди.

Уй ишчиси – бу уйда тозалаш, овқат пишириш ва болалар ёки қарияларга қараш каби уй вазифаларини бажариш учун ҳақ тўланадиган шахс ҳисобланади. Бундай одам кўпинча иш берувчининг яшаш манзилида истиқомат қилади ва ишлайди. Бу борада “уй хизматкори” атамасидан кўра гендер-нейтрал бўлган “уй ишчиси” атамасини ишлатганлик афзалроқдир, чунки бу ушбу шахснинг меҳнат ҳуқуқларига эга бўлган ишчи эканлигини англатади.

Ф

Фоҳишалик/фоҳиша (-> жинсий алоқа индустрияси/жинсий алоқа индустрияси ишчиси)

Маъқул атама: “жинсий алоқа индустрияси” ёки “жинсий алоқа индустрияси ишчиси”.

Қаранг: [жинсий алоқа индустрияси/жинсий алоқа индустрияси ишчиси](#).


Фуқаролиги бўлмаган шахс

(Манба: [“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонуни](#), 2020 йил)

Фуқаролиги бўлмаган шахс – бу ҳеч қачон фуқароликка эга бўлмаган ёки янги фуқароликка эга бўлмасдан, олдингисини йўқотганлиги сабабли бирон-бир давлатнинг фуқароси бўлмаган шахс. Фуқаросизлик бир неча сабабларга кўра юзага келиши мумкин, жумладан, буларга муайян этник ёки диний гуруҳларга нисбатан ёки гендерга қараб дискриминация қилиш, янги давлатларнинг пайдо бўлиши ва мавжуд давлатлар ўртасидаги чегараларнинг ўзгариши ва фуқаролик тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги бўшлиқлар мисол бўлиши мумкин. Фуқаролиги бўлмаган шахслар таълим, соғлиқни сақлаш, ишга жойлашиш ва ҳаракат эркинлиги касби асосий ҳуқуқлардан фойдаланишда қийинчиликларга дуч келишлари мумкин. Халқаро миқёсда “Апатридлар мақоми тўғрисида”ги 1954 йилги ва “Фуқароликка эга бўлмаганликни қисқартириш тўғрисида”ги конвенциялар фуқаролиги бўлмаганлик масалаларига қаратилган асосий халқаро конвенциялар ҳисобланади.

“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонунга кўра, фуқаролиги бўлмаган шахс – бу Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган ва ўзининг чет давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга эга бўлмаган шахс ҳисобланади.

Қаранг: [фуқаролик](#).



Фуқаролик (ёки миллати)

(Манба: [“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни](#), 2020 йил)

Давлатнинг фуқаролиги ҳуқуқ субъектининг шакли ҳисобланади. Давлатлар фуқароликни олишга бўлган ҳуқуқни ва фуқароликка оид қонунларни белгилашда суверен ҳуқуққа эга. Халқаро ҳуқуққа мувофиқ, барча инсонлар тегишли ҳуқуққа эга бўлсаларда, амалда фуқароликнинг ҳуқуқий жиҳатлари кўплаб инсон ҳуқуқлари, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш, бандликни таъминлаш, сиёсий жараёнларда иштирок этиш ва қонун олдида тенгликни амалга ошириш ҳамда улардан фойдаланиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Фуқаролик туғилганда ёки натурализация ёхуд бошқа асосларга кўра берилиши мумкин. Шахслар ва гуруҳлар ўз фуқаролигини йўқотиб қўйиши ёки уларнинг фуқаролиги бекор қилиниши мумкин, бунинг оқибатида улар фуқаролиги бўлмаган шахслар мақомига эга бўлади (қаранг: [фуқаролиги бўлмаган шахс](#)). Шахслар биттадан ортиқ давлатлар фуқаролигига эга бўлиши мумкин.

Фуқароликка оид қонунлар аёлларга нисбатан дискриминацион характерга эга бўлиши мумкин. Кўпинча аёллар ўз фуқаролигини ўз фарзандларига ёки чет эллик турмуш ўртоқларига ўтказиш борасида бир хил ҳуқуққа эга эмаслар. Бу уларнинг фарзандлари ва чет эллик турмуш ўртоқлари учун бир қатор чекловлар, жумладан, уларнинг ўқиш, ишлаш, саёҳат қилиш, тиббий хизматдан фойдаланиш ва жамиятда тўлиқ иштирок этишда тўсқинликларни келтириб чиқариши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролик шахснинг давлат билан ўзаро ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги йиғиндисидан ифодаланадиган ҳамда инсон қадр-қиммати, асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини эътироф этиш ҳамда ҳурмат қилишга асосланадиган доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди. Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудуди учун ягона фуқаролик ўрнатилади.

X

Хавф-хатар

(Манба: Алли Б.О. ХМТ, 2008 йил. Касбий саломатлик ва хавфсизликнинг фундаментал принциплари)

Инсон жароҳатланиши, мулкка ва атроф-муҳитга зарар етказилиши ёки уларнинг комбинациясидан иборат жисмоний ҳолат.

Халқаро меҳнат стандартлари


(Манба: ХМТ, 2020 йил. Халқаро меҳнат стандартларига кириш)

1919 йилдан буён Халқаро меҳнат ташкилоти аёллар ва эркакларнинг эркинлик, тенглик, хавфсизлик ва қадр-қиммати кафолатланган шароитда муносиб ва самарали меҳнат қилиш имкониятларини рағбатлантиришга қаратилган халқаро меҳнат стандартлари тизимини мустаҳкамлаб ва ривожлантириб бормоқда. Халқаро меҳнат стандартлари халқаро тузилманинг муҳим таркибий қисми бўлиб, жаҳон иқтисодиётининг ўсиши барчага фойда келтиришини таъминлашга қаратилган.

Ходимларни адолатли ёллаш

(Манба: ХМТ, 2019 йил. Ходимларни адолатли ёллаш бўйича умумий тамойиллар ва тезкор йўриқномалар ҳамда ишга ёллашга оид тўловлар ва шунга оид харажатлар тушунчаси)

Ходимларни адолатли ёллаш меҳнат бозори ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларини қондириш билан бирга, инсон ҳуқуқлари ва меҳнатга оид ҳуқуқларни ҳимоя қиладиган тарзда миллий ва халқаро даражада ходимларни ёллаш ва ишга жойлаштириш жараёнларини англатади. Умуман олганда, ходимларни адолатли ёллаш жараёни ходимнинг инсон ва меҳнатга оид ҳуқуқларини тўлиқ ҳурмат қилмайдиган ишга қабул қилиш жараёнидан ажратиб турадиган бир қатор элементларни ўз ичига олади. Буларга, жумладан, қуйидаги тамойиллар киради: ходимлардан ишга ёллашга оид тўловлар ва шунга оид харажатлар ундирилмаслиги; ходимлар ишга ёлланиш шартларини тушунишлари ва уларга ихтиёрий равишда рози бўлишлари; ходимлар мамлакат ичида эркин ҳаракатланиш ёки мамлакатни тарк этиш имконига эга бўлишлари ҳамда



ходимларнинг ҳуқуқлари бузилганлиги тахмин қилинганда улар ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдалана олишлари керак. Ишга қабул қилиш барча иштирокчилар учун адолатли бўлса, ходимлар [эксплуатация](#) қилиниши, бошқа суиистеъмол ҳолатларига, шу жумладан [мажбурий меҳнатга](#) дучор бўлишлари нисбатан кам бўлади ва бунда [меҳнат бозори](#) эҳтиёжлари қондирилади.

“Ходимларни адолатли ёллаш” атамаси ҳукумат, ходимлар ва иш берувчилар вакилларида иборат ХМТ бошқарув органи томонидан 2019 йилда қабул қилинган Ходимларни адолатли ёллаш бўйича умумий тамойиллар ва тезкор йўриқномалар ҳамда ишга ёллашга оид тўловлар ва шунга оид харажатлар тушунчасида белгиланган.

Ўзбекистон меҳнат қонунчилигида ҳам ишга қабул қилиш ва меҳнат фаолияти давомида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминловчи қатор нормалар белгиланган.

Хусусий бандлик агентлиги/хусусий ишга ёллаш агентлиги

(Манба: ХМТнинг 1997 йилдаги “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Конвенцияси (181-сон); [Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Қонуни](#) (2018 йил))

Хусусий бандлик агентликлари ХМТнинг 1997 йилдаги “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги 181-сон Конвенциясида давлат органларидан мустақил бўлган, қуйидаги бозор хизматларидан бирини ёки бир нечасини кўрсатадиган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс сифатида белгиланган:

- ▶ Иш бўйича таклифлар ва ишга жойлашишни сўраб ёзилган аризаларнинг ўзаро мослигини таъминлаш;
- ▶ Ишчиларни учинчи шахснинг бизнеси (“фойдаланувчи корхона”) ичида ва унинг бир қисми сифатида ишни бажариш мақсадида ёллаш;
- ▶ Иш қидириш билан боғлиқ бошқа хизматлар, масалан, маълумот бериш.

Иш бўйича таклифлар ва ишга жойлашишни сўраб ёзилган аризаларнинг ўзаро мослигини таъминлайдиган ва [иш берувчилар](#) номидан ишчиларни ёллайдиган хусусий бандлик агентликлари кўпинча персонал танлаш бўйича хусусий агентликлар деб номланади. Ишчиларни учинчи томон бизнеси доирасида ва унинг бир қисми сифатида ишлаш учун ёллайдиган агентликлар эса вақтинчалик ишга жойлаштириш бўйича агентликлар деб аталади.

Ўзбекистонда меҳнат муҳожирларини ёллаш билан шуғулланувчи хусусий бандлик агентликлари Ўзбекистон қонунчилигига кўра “хизмат кўрсатиш соҳасидаги ташкилотлар” ҳисобланади. Ушбу ташкилотлар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигидан лицензия олишлари шарт бўлиб, унга мувофиқ тегишли ҳуқуққа эга бўлади ва бажарилиши шарт бўлган мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Ц

Циркуляр миграция

Циркуляр миграция деганда шахсларнинг расмий ёки норасмий равишда чегаралар орқали такрорий характердаги вақтинчалик кўчиши тушунилади. Бошқариладиган ёки тартибга солинадиган циркуляр миграция дастурлари [ақлларнинг сизиб чиқиб кетиши](#) оқибатларини юмшатиш, доимий [пул ўтказмалари](#) оқимини, малакали ишчиларни қайтариш ва корхоналар ривожланишини қўллаб-қувватлаш орқали [келиб чиқиш мамлакатларини](#) тараққий этишини рағбатлантириш мақсадида миграция сиёсати воситаси сифатида пайдо бўлган.

Ч

Чегара ишчилари

(Манба: Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси, 1990 йил. [“Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Халқаро конвенция](#))

“Чегара ишчиси” атамаси одатда ҳар куни ёки ҳафтасига камида бир марта қайтиб келадиган кўшни давлатда доимий яшаш жойини сақлаб қолган меҳнат муҳожирини англатади.

Чет элда бандликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси

(Манба: Ўзбекистон Республикасининг [“Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуни](#); Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси)

Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси ёки қисқача қилиб айтганда Чет элда бандликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан бошқариладиган нотижорат жамғарма бўлиб, Ўзбекистондаги меҳнат миграцияси секторини молиялаштириш орқали қўллаб-қувватлайди. Жамғарма қуйидаги асосий йўналишлар бўйича молиявий ёрдам кўрсатади:

- ▶ Бахтсиз ҳодиса, касаллик, жароҳат ёки бошқа хавф натижасида ишлай олмайдиган ишчиларга ёрдам кўрсатиш;
- ▶ Чет элда вафот этган ёки бедарак йўқолган меҳнат муҳожирларининг қариндошларига ёрдам кўрсатиш;
- ▶ Меҳнат муҳожирларини жойлаштириш учун меҳнат бозорларини ташкил этиш ва ривожлантириш.

Жамғармани шакллантириш манбалари этиб давлат бюджети маблағлари, бўш турган маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайрия маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгиланган.

Қаранг: [ишга ёллашга оид тўловлар ва шунга оид харажатлар](#).

Ш

Шартномани ўзгартириш

(Манба: Осиёда муҳожирлар форуми, 2017 йил. Шартномани ўзгартиришга ноль даражадаги тоқатсизлик; Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси)

Шартномани ўзгартириш деганда ишчи аввал келишиб олган меҳнат шартларини амалда, ёзма ёки оғзаки равишда ўзгартириш амалиётини назарда тутлади. Меҳнат шартларининг бундай ўзгариши, одатда, [меҳнат муҳожирларига](#) таъсир қилади ва улар белгиланган мамлакатларга боргандан сўнг рўй беради. Одатда, шартномалар ёмонроқ шартларга эга бўлган бошқа шартнома билан алмаштирилади, бунга камроқ иш ҳақи, ёмонроқ меҳнат ва яшаш шароитлари, ҳатто умуман бошқа иш жойи ёки ишни мисол қилиб келтириш мумкин.

Шартномани ўзгартириш турли шаклларда бўлиши мумкин, жумладан:

- ▶ Ишчилар ўзининг [келиб чиқиш мамлакатида](#) шартномани имзолаган бўлсада, борадиган мамлакатда бошқа шартлар назарда тутилган янги шартномани имзолаши мумкин;
- ▶ Ишчилар ўзининг келиб чиқиш мамлакатида шартномани тузиш бўйича оғзаки келишиб олишлари ва борадиган мамлакатда бошқа шартлар назарда тутилган ёзма шаклдаги шартномани имзолаши мумкин;
- ▶ Ишчилар ўзининг келиб чиқиш мамлакатида ёзма шаклдаги шартномани имзолаши мумкин, бироқ унинг шартлари [меҳнат фаолиятини амалга оширишга рухсатнома](#) ёки [виза](#) шартларига тўғри келмаслиги мумкин.

Ўзбекистонда меҳнат шартномаси шартларини ўзгартириш Меҳнат кодекси билан тартибга солиниб, ундаги нормалар ходимларни иш берувчилар томонидан меҳнат шартларини бир томонлама ўзгартиришдан ҳимоя қилади.

Қаранг: [алдов](#).

Шартнома бўйича вақтинчалик ишчи

Қаранг: [мавсумий ишчи](#).

Шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар, йўл ва иш ҳужжатлари

Шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар, паспорт, миллий ёки “чет эл вакили” шахсни тасдиқловчи ҳужжатлари каби йўл ва иш ҳужжатлари, шунингдек [меҳнат фаолиятини амалга оширишга рухсатнома](#) муҳожирларнинг шахсини, фуқаролигини, ҳуқуқий мақомини ҳамда [борадиган мамлакатда](#) қолиш ва ишлаш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади. Ушбу ҳужжатлар миграция ва ишга жойлашиш жараёнининг барча босқичларида меҳнат муҳожирларининг мобиллиги ва хавфсизлиги нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Шахсни тасдиқловчи ва саёҳат ҳужжатлари муҳожирларнинг ҳаракатланишлари ва соғлиқни сақлаш, юридик, консуллик ва таълим олишга оид хизматлардан фойдаланишни осонлаштириши керак; улар, шунингдек, банкда ҳисоб рақамини очиш каби амалий жараёнлар учун ҳам зарурдир. Барча шахслар, шу жумладан меҳнат муҳожирлари ҳам шахсий ҳужжатларини сақлаш ҳуқуқига эга, баъзи мамлакатларда муҳожирлар ҳар доим ўзлари билан шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ёки уларнинг нусхаларини олиб юришлари керак.

Бироқ, миграция жараёнининг барча босқичларида турли хил шахслар, жумладан, ишга ёлловчилар, брокерлар ва иш берувчилар меҳнат муҳожирларининг шахсий ва йўл ҳужжатларини уларни назорат қилиш воситаси сифатида тортиб оладилар ва ушлаб турадилар ҳамда бунинг оқибатида муҳожирларнинг ҳуқуқларини мунтазам равишда бузадилар. Шахсий ҳужжатларни мусодара қилиш айрим мамлакатлар миллий қонунчилигига мувофиқ ноқонуний ҳисобланади. Бу муҳожирларни заиф ҳолатга тушириши ва уларни таъқиб қилиш, ҳокимият вакиллари томонидан ҳибсга олиш, [депортация](#) қилиш ҳамда мобиллиги ва ҳаракатланиш эркинлигини чеклаши мумкин. Шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг ушлаб турилиши мажбурий меҳнат индикаторларидан бири саналади, чунки бундан ишчиларнинг қочиб кетиши ёки бошқалардан ёрдам сўрашини олдини олиш воситаси сифатида фойдаланилади.

Қаранг: [мажбурий меҳнат](#) ва [ҳаракат эркинлиги](#).



Шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни ушлаб туриш

(Манба: ХМТ, 2012 йил. Мажбурий меҳнат индикаторлари)

Иш берувчи томонидан шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни ёки бошқа қимматбаҳо шахсий буюмларини ушлаб турган ҳолатида, агар ишчилар ўзининг талаби бўйича ушбу нарсаларни олиб билмаса ва агар улар ишни тарк этган тақдирда ушбу нарсалардан маҳрум бўлишдан қўрқса, мажбурий меҳнат элементи мавжуд ҳисобланади. Кўпгина ҳолларда, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларсиз ишчи бошқа иш топа олмайди ёки базавий хизматлардан фойдалана олмайди ҳамда ҳокимият ёки нодавлат нотижорат ташкилотларига ёрдам сўраб мурожаат қилишдан қўрқиши мумкин.

Қаранг: [шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар, йўл ва иш ҳужжатлари, мажбурий меҳнат](#).

Шикоят қилиш механизми

(Манба: ХМТ, 2019 йил. Ходимларни адолатли ёллаш бўйича умумий тамойиллар ва тезкор йўриқномалар ҳамда ишга ёллашга оид тўловлар ва шунга оид харажатлар тушунчаси.)

Шикоят қилиш механизми – бу ташкилот ёки алоҳида шахснинг ноқонуний хатти-ҳаракати қурбони ёки гувоҳи бўлган шахсларга ушбу ҳолатлар ҳақида хабар бериш, ташкилотлар томонидан эса ушбу шикоятларни тизимли равишда кўриб чиқишнинг расмий механизми ҳисобланади. Шикоятлар ноқонуний хатти-ҳаракатдан қониқмаганлик ёки норозилик ифодаси ҳисобланади.

Меҳнат миграцияси контекстида шикоят қилиш механизми, одатда, меҳнат муҳожирлари томонидан бандлик агентликлари, хориждаги [иш берувчилар](#), [воситачилар](#) ёки бошқа шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан ёхуд улар томонидан меҳнат муҳожирларининг қонуний ёки шартномавий ҳуқуқлари бузилганлиги ҳақида шикоят қилиш учун фойдаланиш мумкин бўлган механизмни англатади. Ўзбекистонда ходимлар ўз ҳуқуқларининг бузилиши юзасидан маъмурий тартибда шикоят билан мурожаат қилиши мумкин ва улар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан назоратга олинади. Кўпгина ҳолларда меҳнат инспекторлари бундай мурожаатларни кўриб чиқадилар. Шунингдек, ходимлар бевосита судга ҳам мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Бу борадаги муносабатларнинг самарали бўлишини таъминлаш мақсадида меҳнат муҳожирларининг шикоят қилиш механизмлари очиқ бўлиши, ўз вақтида амалга оширилиши, арзон бўлиши ҳамда ходимлар ва бандлик агентликлари ўртасидаги ваколатлар номуносаблигини ҳисобга олиши керак. Шикоят қилиш

механизмлари томонидан ҳал қилиниши керак бўлган амалий қийинчиликларга қуйидагилар киради:

- ▶ Шикоят қилиш механизми очиқ бўлиши ҳамда қуйидаги бир қатор жиҳатларни эътиборга олиши керак:
 - ▶ Меҳнат муҳожирларининг етарли билимга эга бўлмаслиги;
 - ▶ Зарур тилни билмаслиги;
 - ▶ Жисмоний нуқсонга эгалиги;
 - ▶ Ҳозирда хорижда ёки узоқ жойларда бўлиши мумкинлиги.
- ▶ Шикоятларни ҳал қилиш меҳнат муҳожирларининг ўз вақтида компенсация олишларини таъминлаш учун етарли даражада тезкор бўлиши керак, чунки меҳнат муҳожирларининг шикоятларини ҳал этишдаги кечикишлар меҳнат муҳожирларининг камроқ миқдорда компенсация олишига ёки молиявий қийинчилик сабабли ўз шикоятларини давом эттира олмаслигига олиб келиши мумкин;
- ▶ Шикоятларни меҳнат муҳожирлари ва хатти-ҳаракати устидан шикоят қилинаётган шахсдан мустақил бўлган тарафлар кўриб чиқишлари зарурлиги, яъни бундан кўзланган асосий мақсад кучларнинг номутаносиблигини бартараф этиш ҳамда меҳнат муҳожирларига уларнинг молиявий хавфсизлигини белгилаш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан мақбул бўлмаган шартларни қабул қилишга асоссиз равишда таъсир ўтказилишини олдини олиш ҳисобланади.

Шикоятларни кўриб чиқишнинг маъмурий жараёнлари тўғрисида ёзганда шикоятларни кўриб чиқиш жараёнида унинг очиқлиги, ўз вақтида кўриб чиқилиши ва кучларнинг номутаносиблиги меҳнат муҳожирларига қандай таъсир қилиши мумкинлигини ҳисобга олиш керак.

Қаранг: [одил судловга эришиш](#).

Э

Экологик кўчирилган шахс

Атроф-муҳитнинг ўзгарувчанлиги можаролар, қашшоқлик ва беқарорликдан азият чекаётган ҳудудлардан, уларда илгари мавжуд бўлган заиф жиҳатлардаги муаммоларни янада чигаллаштириб, бошқа ҳудудларга ҳаракатланиш моделларига тобора таъсир ўтказмоқда. Экологик кўчирилган шахслар – бу атроф-муҳитнинг кескин ёки прогрессив ўзгариши уларнинг ҳаёти ёки яшаш шароитларига салбий таъсир кўрсатадиган узрли сабабларга кўра одатдаги яшаш жойларини тарк этишга ёки вақтинча ёхуд доимий равишда яшаш жойини танлашга мажбур бўлган ва бошқа жойга кўчиб ўтган одамлар ҳисобланади. Баъзи ҳолларда атроф-муҳит ўзгарувчанлиги ҳам одамларни тузоққа тушириши ва уларнинг ҳаракатини чеклаши мумкин.

Эксплуатация

(Манба: БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протоколи)

“Эксплуатация” атамасининг таърифи ҳеч бир ҳуқуқий ҳужжатда мавжуд эмас. Эксплуатация деганда бошқа шахсдан ўз манфаати йўлида фойдаланишга оид ҳаракат (масалан, жинсий эксплуатация, меҳнат эксплуатацияси ёки одам органларини олиш) тушунилиши мумкин.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протоколида қайд этилишича, протоколда қўлланилган “эксплуатация” атамаси: “ҳеч бўлмаганда бошқаларнинг фоҳишалигидан фойдаланиш ёки жинсий эксплуатациянинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қуллик ёки қулликка ўхшаш амалиётлар, одам органларини олишни ўз ичига олади”

Қаранг: [мажбурий меҳнат](#), [одам савдоси](#), [қуллик](#) ва [меҳнат эксплуатацияси](#).

Этика қоидаларига мувофиқ ходимларни танлаш

“[Ходимларни адолатли ёллаш](#)” атамаси ўрнига баъзан “этика қоидаларига мувофиқ ходимларни танлаш” ёки “ходимларни масъулият билан танлаш” атамалари қўлланилади. Этика қоидаларига мувофиқ ишга қабул қилиш атамаси қаерда қўлланилса, шу ердаги амалиёт ёки ходимларни танлаш амалиёти тасвирланганига алоҳида эътибор қаратиш лозим. “Ахлоқий қоидаларга мувофиқ” деб таърифланган ишга қабул қилиш амалиёти “ходимларни адолатли ёллаш”ни назарда тутадиган стандартларга жавоб бермаслиги ҳам мумкин.

Қаранг: [ходимларни адолатли ёллаш](#).

Ў

Ўзаро англашув меморандуми

(Манба: ХМТ, 2015 йил. Паст малакали ишчиларнинг миграцияси бўйича икки томонлама келишувлар ва англашув меморандумлари: шарҳ)

Меҳнат миграциясини тартибга солувчи ўзаро англашув меморандумлари икки томонлама келишувларга қараганда камроқ расмий тусдаги халқаро ҳужжатдир. Улар кўпинча халқаро конвенция доирасидаги оператив келишувларни белгилайди ва техник ёки батафсил масалаларни тартибга солиш учун ҳам қўлланилади. Меморандумлар, одатда, битта ҳужжат шаклида бўлади ва ратификацияни талаб қилмайди. Меморандумлар, одатда, икки давлат ўртасидаги меҳнат миграциясини тартибга солувчи шартларни белгиловчи мажбурий бўлмаган келишувлар ҳисобланиб, улар ўзаро тушуниш, тарафларнинг мақсад ва режаларини ёритувчи ҳамкорликнинг умумий тамойилларини белгилаб беради.

Қаранг: [икки томонлама келишувлар](#).

Қ

Қабул қилувчи мамлакат (-> Борадиган мамлакат/борадиган манзил)


Маъқул атама: “борадиган мамлакат”, “белгиланган мамлакат” ёки “борадиган манзил”.

Қаранг: [борадиган мамлакат/борадиган манзил](#).

Қайтиш ва қайта мослашув

(Манба: ХМТ, 2006 йил. Меҳнат миграцияси бўйича ХМТнинг кўп томонлама умумий дастури)

[Меҳнат муҳожирларининг](#) қайтиши ва қайта мослашуви деганда муҳожирларнинг ўзининг [келиб чиқиш мамлакатига](#) қайтиб, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан қайта



мослашуви жараёни тушунилади. Бу вақтинчалик ёки доимий бўлиши мумкин, чунки кўплаб муҳожирлар маълум бир муддатга уйларига қайтиб (баъзан шартнома шартларига мувофиқ даврга), кейин яна хорижга кетишлари мумкин. Қайтиш ва қайта мослашув сиёсати ишчиларнинг хорижда ўзлаштирган янги кўникмалари ва тажрибасидан фойдаланиш, уларга кичик корхоналарни ташкил этишда ёрдам бериш ёки жамғармаларини самарали инвестицияга йўналтириш чораларини ўз ичига олиши мумкин. [Эксплуатация](#), зўравонлик ва бошқа травматик факторларга дуч келган меҳнат муҳожирлари психологик, соғлиқни сақлаш ва юридик хизматларга муҳтож бўлади.

Қарам меҳнат (-> Қарз қуллиги)

(Манба: ХМТ, 2012 йил. Мажбурий меҳнат индикаторлари)

Мажбурий меҳнат юзага келган ёки баъзан мерос қолган қарзни тўлаш учун ишлашга олиб келиши мумкин. Қарз иш ҳақи аванслари ёки ёллаш ёхуд транспорт харажатларини қоплаш учун қарзлар, кундалик ҳаёт учун ёки фавқулодда (масалан, тиббий) харажатлардан келиб чиқиши мумкин. Қарзлар, айниқса, ҳисоб-китобларни манипуляция қилиш натижасида, бунда айниқса ишчилар саводи етарли даражада бўлмаса, қўшилиши мумкин. Қарз қуллиги, шунингдек, болалар ота-оналари ёки қариндошларига берилган қарз эвазига ишга қабул қилинганда ҳам пайдо бўлиши мумкин. [Иш берувчилар](#) ёки ишга ёлловчилар бажарилган ишни паст баҳолаб ёки озиқ-овқат ва уй-жой учун фоиз ставкаларини ёки тўловларни ошириб, ишчиларни қарздан қутулишларини қийинлаштиради.

Қарз қуллиги ёки бошқача қилиб айтганда қарам меҳнат ишчи-қарздор ва иш берувчи-кредитор ўртасидаги кучнинг номутаносиблигини акс эттиради. Бу ишчини иш берувчига номаълум вақт оралиғида, бир мавсумдан бир неча йилгача ёки ҳатто кейинги авлодларни ҳам боғлаб қўйиш таъсирига эга. Бу ўзаро келишилган ва мақбул шартларда тўлаш учун оддий банк ёки бошқа мустақил кредитордан “оддий” кредит олиш билан ҳеч қандай ўхшашлик жойи йўқ.

Қаранг: [мажбурий меҳнат](#) ва [одам савдосу](#).

Қарз қуллиги

Қаранг: [қарам меҳнат](#) ва [одам савдосу](#).

Қолиб кетган муҳожирлар

Қолиб кетган муҳожирлар нисбатан янги атама бўлиб, халқаро ҳуқуқда унинг таърифи ҳали берилмаган. Бу “ўзи жисмонан турган мамлакатда қонуний қола олмайдиган, бошқа давлатга кўчиб ўта олмайдиган ёки ўз мамлакатига қайта олмайдиган юридик жиҳатдан оғир аҳволда қолиб кетган” муҳожирларга тааллуқли (ХМТ). Муҳожирлар транзит, борадиган мамлакатлар ёки чегара ҳудудларида қолиб кетишлари мумкин. Муҳожирлар турли сабабларга кўра оғир аҳволда қолиб кетишлари мумкин, бу уларнинг ҳуқуқий мақоми, шахсий хавфсизлиги, ҳимояси ва фаровонлигига таъсир қилади. Улар ўз мақомини тартибга сола олмаган тақдирда одам савдоси қурбони бўлиши, ҳибсга олиниши ва депортацияга дучор бўлиши хавфи ошиши мумкин.

Қонуний мақомга эга меҳнат муҳожирлари

Қаранг: [ҳужжатлаштирилган меҳнат муҳожирлари](#).


Қонуний миграция

Қонуний миграция – келиб чиқиш, транзит ва борадиган мамлакатларнинг норматив ҳужжатлари доирасида амалга ошириладиган трансчегаравий ҳаракат.

Қаранг: [ҳужжатлаштирилган миграция](#).

Қочоқ

Қочоқлар ўзининг келиб чиқиш мамлакатидан ташқарида бўлган ва ирқи, дини, миллати, сиёсий қарашлари ёки маълум бир ижтимоий гуруҳга мансублиги ёки жамоат тартибини жиддий бузган ва уларни қочишига олиб келган можаро, умумий зўравонлик ёки бошқа ҳолатлар туфайли халқаро ҳимояга муҳтож бўлган шахслардир. Қочоқлар таърифини “Қочоқлар мақоми тўғрисида”ги Конвенцияда ва қочоқлар тўғрисидаги минтақавий ҳужжатларда, шунингдек, БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари низомида топиш мумкин. “Қочоқлар мақоми тўғрисида”ги Конвенция қочоқларнинг ҳуқуқлари ва давлатларнинг мажбуриятларини белгилайди. Шахс миллий ва халқаро қонунларга мувофиқ қочоқ эканлиги белгиланмагунча бошпана изловчи ҳисобланади. Бу жараён қочоқ мақомини белгилаш деб аталади ва БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари ва/ёки давлатлар томонидан амалга оширилади.



Қуллик (-> Замонавий қуллик)

(Манба: Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси, 1926 йил. Қуллик тўғрисида конвенция)

Маъқул атама: вазиятга қараб “мажбурий меҳнат”, “меҳнат эксплуатацияси”, “одам савдоси”, “қарз қуллиги” ёки “мажбурий никоҳ”.

Устидан мулк ҳуқуқи билан боғлиқ ҳар қандай ёки барча ваколатлар амалга ошириладиган шахсининг мақоми ёки ҳолати.

“Қуллик” ёки “қул” атамаларини ишлатишдан йироқ бўлиш керак. Бошқача қилиб айтганда, ушбу атамаларни ишлатмаслик керак, чунки улар ишчилар ўз мулкларини тасарруф этиш ҳуқуқига эга эмаслигини англатиши мумкин. Ушбу атамалар кўпинча одамларнинг эксплуатацияси, мажбурий меҳнат ёки одам савдоси ҳолатларини ёритиш учун ишлатилади.

Қаранг: [замонавий қуллик](#), [мажбурий меҳнат](#), [эксплуатация](#) ва [одам савдоси](#).

Қўрқитиш ва таҳдидлар

(Манба: ХМТ, 2012 йил. Мажбурий меҳнат индикаторлари)

Мажбурий меҳнатдан жабрланганлар ўз шароитларидан шикоят қилганда ёки ишдан кетишни хоҳлаганларида қўрқитиш ва таҳдидларга дучор бўлишлари мумкин.

Жисмоний зўравонлик таҳдидларидан ташқари, ишчиларга нисбатан қўлланиладиган бошқа кенг тарқалган таҳдидлар орасида иммиграцион хизматларга “хабар” бериш, иш ҳақини олиш ёки уй-жой ёхуд маълум бир ҳудудга кириш ҳуқуқини йўқотиш, оила аъзоларини ишдан бўшатиш, меҳнат шароитларини янада ёмонлаштириш ёки иш жойини тарк этишдек “имтиёзлардан” маҳрум қилиш киради. Доимий равишда ишчиларни ҳақорат қилиш ва камситиш ҳам уларнинг заифлик туйғусини ҳис қилишини кучайтиришга қаратилган психологик мажбурлашнинг бир шаклидир.

Таҳдидларнинг ишончилиги ва таъсири ишчиларнинг шахсий эътиқодлари, ёши, маданий келиб чиқиши, ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ишчи нуқтаи назаридан баҳоланиши керак.

Шуни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон қонунчилиги меҳнат ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилишлари, шу жумладан мажбурий меҳнат ҳолатлари тўғрисида хабар берган маълумот манбасининг сир сақланишини кафолатлайди.

Қаранг: [мажбурий меҳнат](#).

Ҳ

Ҳамкорлик тўғрисида келишув (-> Ишчи кучини тақдим этиш шартномаси)

Қаранг: [ишчи кучини тақдим этиш шартномаси](#).

Ҳаракатнинг чекланиши

(Манба: ХМТ, 2012 йил. Мажбурий меҳнат индикаторлари)

Ҳаракатнинг чекланиши мажбурий меҳнат индикатори ҳисобланади. Мажбурий меҳнатга жалб қилинган шахслар қочиб кетмасликлари учун улар иш вақтида ёки бир жойдан иккинчи жойга олиб борилганда ёпиқ жойда ва қўриқланган ҳолда сақланиши мумкин.

Агар ишчилар иш жойига эркин кириб, ундан эркин чиқа олмасалар ҳамда агар уларга анчагина чекловлар жорий қилинса, бу мажбурий меҳнатнинг яққол индикатори ҳисобланади. Қонуний чекловлар хавфли иш жойларида хавфсизликни таъминлаш ва ишчиларнинг хавфсизлигини ҳимоя қилишни ёки тиббий кўриқдан ўтиш учун раҳбардан олдиндан рухсат олиш зарурлигини ўз ичига олиши мумкин.

Мажбурий меҳнат шароитида ишлайдиган ишчиларнинг ҳаракати иш жойида кузатув камералари ёки қоровуллардан фойдаланган ҳолда, иш жойидан ташқарида эса - иш жойидан чиқиб кетаётганда уларга ҳамкорлик қилувчи иш берувчининг вакиллари орқали назорат қилиниши мумкин.

Қаранг: [мажбурий меҳнат](#).



Ҳаракат эркинлиги

Ҳаракат эркинлиги инсоннинг фундаментал ҳуқуқи бўлиб, ҳар қандай мамлакатни тарк этиш, [келиб чиқиш мамлакатига](#) кириш ва унда қолиш, истиқомат қилаётган давлат ёки иш жойи ҳудудида эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини ўз ичига олади. Бундай ҳуқуқ халқаро ва ички ҳаракатни ўз ичига олади.

Ҳаракат эркинлигига оид ҳуқуқни амалга ошириш айрим ҳомийлик миграцияси тизимларида айниқса қийин. Баъзи ҳуқуқий тизимларда ҳомий/иш берувчи ишчининг шахсига оид ва йўл ҳужжатларини олиб қўйиши ва/ёки бошқа [иш берувчига](#) ўтиб кетиш ёки мамлакатни тарк этиш имкониятини чеклаш орқали ишчининг мобиллигини назорат қилиши мумкин. Масалан, [уй ишчиларига](#) иш жойини (иш берувчининг яшаш жойини) ҳатто дам олиш куни ҳам тарк этиш тақиқланиши мумкин.

Ҳимоя

Ҳимоя концепцияси Идоралараро доимий қўмита томонидан “тегишли ҳуқуқ нормалари (яъни, инсон ҳуқуқлари, халқаро гуманитар ҳуқуқ ва қочоқлар ҳуқуқига оид ҳуқуқ) га мувофиқ инсон ҳуқуқларини тўлиқ ҳурмат қилинишини таъминлашга қаратилган барча фаолият” сифатида белгиланган.

Ҳужжатлаштирилган меҳнат муҳожирлари

(Манба: Халқаро миграция ташкилоти, Халқаро миграция ҳуқуқи, Миграцияга оид глоссарий, №346 2019 йил; Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси, 1990 йил, [“Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Халқаро конвенция](#))

“Қонуний меҳнат муҳожирлари” деб ҳам аталадиган ушбу атама тегишли давлатнинг қонунчилиги ва у иштирокчи ҳисобланган халқаро келишувларга асосан ушбу давлатга кириб, унда яшаш ва унинг ҳудудида ёлланиб ишлайдиган ҳақ тўланадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнат муҳожирини англатади. Баъзи ҳолларда, бу ўз мамлакатини тарк этиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнат муҳожирини ҳам назарда тутаяди. Ҳужжатлаштирилган ёки доимий яшаш мақомига эга бўлган меҳнат муҳожирларига бериладиган ҳуқуқ ва рухсатномалар маълум шартлар асосида уларнинг оила аъзоларига ҳам берилиши мумкин.

Ҳужжатлаштирилган миграция

(Манба: Халқаро миграция ташкилоти, Халқаро миграция ҳуқуқи, Миграцияга оид глоссарий, №346 2019 йил; Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси, 1990 йил, [“Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Халқаро конвенция](#))


“Оддий вазиятдаги меҳнат муҳожирини” деб ҳам аталадиган ушбу атама одатда тўғри расмийлаштирилган ҳужжат асосида борадиган мамлакатга кириш, унда яшаш ва ишлашни англатади. Давлатнинг ҳужжати деганда тегишли давлатнинг қонунчилиги ва у иштирокчи ҳисобланган халқаро келишувларга асосан ушбу давлатга кириб, унда яшаш ва унинг ҳудудида ёлланиб ишлайдиган ҳақ тўланадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома тушунилади.

Ҳужжатлаштирилмаган миграция (-> Ноқонуний миграция)

Қаранг: [ноқонуний миграция](#).

Ҳужжатлаштирилмаган муҳожир (-> Расмий мақомга эга бўлмаган муҳожир)

Қаранг: [расмий мақомга эга бўлмаган муҳожир](#).




► Миграция фотожурналистикаси бўйича йўриқнома

Терминологияни танлаш каби, янгиликлар билан бир қаторда ишлатиладиган тасвирлар ҳам репортажнинг оҳанги ва тузилишига кучли таъсир кўрсатади. Кўпинча миграция жиноят ва хавфсизлик билан боғлиқ муаммолар доирасида ифодаланади. Қуйида миграция мавзусида ахлоқий фотожурналистика бўйича йўриқнома келтирилган:

- Меҳнат муҳожирлари ва миграция ҳақидаги ҳикояларни ифодалашда тегишли иконографиядан фойдаланинг ва уларда тасвирланган одамлар учун юзага келиши мумкин бўлган оқибатлар ҳақида ўйланг. Бунга меҳнат муҳожирларининг шахсий дахлсизлик ҳуқуқини ҳурмат қиладиган ва уларнинг иши, ҳаёти ёки характерида оид зарарли стереотипларни сақламайдиган тасвирлар киреди;
- Ахлоқ қоидаларига мувофиқ иш юритинг – муҳожирларни ёритувчи тасвирлардан фойдаланишда уларнинг розилигини олинг, шахсий маълумотларни ҳимоя қилинг ва шахсий дахлсизлик, аноним ва махфий қолиш ҳуқуқини ҳурмат қилинг;
- Интервью олаётганда ёки болаларга тааллуқли ҳикоялар ҳақида хабар бераётганда доимо эҳтиёт бўлинг. Боладан интервью олаётганда ёки уни суратга олишда ота-онаси ёки васийсининг ҳозир бўлишига ва уларнинг бунга розилигига ишонч ҳосил қилинг;
- Шахсни ҳимоя қилиш мақсадида тасвирлар фокус ташқарисида узатилиши мумкин; муқобил равишда, маълумотларни визуализация қилиш ёки анимация каби меҳнат муҳожирларининг фото ва кинолавҳаларидан фарқланадиган визуал иллюстрациялардан фойдаланиш мумкин;
- Муҳожирларнинг имкониятлари ва эркинлиги тўғрисидаги фикрни етказадиган тасвирлар ўрнига, ачинишни уйғотиши мумкин бўлган тасвирлардан хабардор бўлинг;
- Сурат воқеликни бузиб кўрсатмаслигига, балки ҳақиқий вазиятни тўғри акс эттиришига ишонч ҳосил қилинг. Тасвирлар ортидаги воқеани тадқиқ қилиш расмнинг ўзи каби муҳимдир. Ҳикоянгизни яхши тўпланган маълумотлар ва ишончли далиллар билан мустаҳкамланг;
- Таҳрирлаш ва манипуляция ўртасидаги чегарани кесиб ўтманг. Расмни кесиш ва таҳрирлаш расмни бузиши мумкин ва бу усуллар техник жиҳатдан зарур бўлган чегарадан ошмаслиги керак;
- Фотожурналистик ишингиз эпизодик ёки шов-шувли эмас, балки тизимли тарзда шаклланганлигига ишонч ҳосил қилинг, бу эса фотосуратни янада контекстлаштириш ва ўқувчиларга миграция ортидаги қийинчиликларни тушунишга ёрдам беради. Контекстни тақдим этиш уни қабул қилувчига расмда кўрган нарсани тушунишга ёрдам беради. Битта расмнинг ўзи у

қайси контекстда берилишига қараб турли хил реакцияларни келтириб чиқариши мумкин.




► Миграция масалалари бўйича гендер-сезгир репортаж

Гендер-сезгир ҳикоялар янада кучли ва нозикроқ ҳисобланади. У чуқур маънога эга ва турли нуқтаи назар ва овозларни ифодалайди. Унда эркаклар ва аёллар ўртасидаги муносабатлар, ваколатлар, ижтимоий иерархиялар, тузилмалар ва кучлар динамикаси, шунингдек, уларнинг жамиятдаги турли хил тажрибаларига баҳо берилади.

- Сексистик қарашлар ва ғояларни келтириб чиқармайдиган сўзлардан фойдаланишга ҳаракат қилинг. Одамнинг ирқи, синфи, миллати ёки оилавий аҳволига, агар улар ҳикояга алоқадор бўлмаса, мурожаат қилишдан сақланинг;
- Атамаларни қўллашда гендерни ҳисобга олган ҳолда муқобил вариантларни кўриб чиқинг, масалан, катта ёшдаги аёллар ҳақида гапирганда “қиз”; “уйни тозаловчи аёл” атамаси ўрнига “уй ишчиси”; “фоҳиша” атамаси ўрнига секс-индустрия ишчиси ва бошқалар. Гендер-сезгир тил аёллар ва эркакларнинг жамиятдаги табиати ва роли ҳақидаги тахминлардан қочишга ва ўз-ўзидан аёллар ва эркаклар ҳақидаги дискриминацион қарашларга қарши чиқишга ҳаракат қилади;
- Ҳисоботни тайёрлашда аёллар энг кўп дуч келадиган миграция ва меҳнат билан боғлиқ муаммоларни, жумладан, гендер зўравонлиги, никоҳ миграцияси, ҳақ тўлашдаги тенгсизлик, дискриминация, оналар саломатлиги ва ҳуқуқларини инобатга олинг;
- Оила, болалар, контрацепция ва оналикни фақат онанинг вазифаси деб ҳисоблашдан сақланинг;
- Ёш, оилавий аҳволи ёки оналик ҳолатига кўра миграцияни тақиқлаш каби миграцияга оид сиёсатда гендерга асосланган дискриминация ва хорижда мавжуд бўлган иш ўринлари гендер ролларини белгилаб қўйишларидан хабардор бўлинг;
- Ҳар доим ҳам мавжуд бўлмасада, барча ҳисоботларга гендер бўйича ажратилган маълумотларни киритишга ҳаракат қилинг;
- Аёллар томонидан бажариладиган бировни парваришлаш билан боғлиқ ишнинг аксарият қисмига ҳақ тўланмаслиги ва бу уларнинг ишчи ва муҳожир сифатидаги ҳаётларига қандай таъсир кўрсатишини тан олинг;
- Уй зўравонлиги, жинсий зўравонлик, зўрлаш ва одам савдосини эркаклар ва ўғил болалар ҳам бошидан кечириши мумкинлигини тан олинг;
- Интервью ўтказаетганда, уларнинг турли овозлари ва воқеликни қабул қилишларини бирдек ифодалаш учун эркаклар ва аёлларнинг турли нуқтаи назарларини тўплашга ҳаракат қилинг;
- Гендер муаммолари аёллик, эркаклик ва гендер ролларининг ижтимоий конструкцияларини кучайтира оладиган тасвирлар ва расмлардан фойдаланишга ҳам тегишли бўлиши керак;

- Камситувчи ёки сексист тилдан фойдаланган манбалардан иқтибос келтираётганда, унинг ҳақоратомуз ишлатилишига эътиборни қаратиш учун ушбу сўзларни қўштирноқ ичига олинг.



► Травма қурбонлари билан ишлаш

Инсонлар учун травматик ҳодисаларнинг оқибатларини ёритиш журналистик бурчи бўлсада, сизга буни профессионал тарзда ва эксплуатация қилмасдан намоиш қилиш мажбурияти юкланган.

- Травматик ҳодисалардан жабрланганлар ишончли манба бўла олмаслиги мумкинлигини тан олинг. Травматик воқеаларга гувоҳ бўлиш, травма ёки ўлим кўрқуви воқеликни қабул қилиш ва хулоса чиқаришга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Травма қурбонлари ва травмадан омон қолганларнинг ҳис-туйғуларини ўрганишдан олдин фактлар, исмлар, вақтлар ва жойларни яхшилаб текшириб кўринг;
- Ҳеч қачон омон қолган шахснинг исм-шарифини унинг розилигисиз маълум қилманг. Фақат исм ёки тахаллусдан фойдаланиш бировнинг шахсини яшириш учун ҳар доим ҳам етарли эмас. Шахснинг кимлигини билвосита очиб берадиган баъзи идентификаторларни яширишни кўриб чиқинг;
- Травма қурбонлари/травмадан омон қолганлар кўпинча психологик ва эмоционал жиҳатдан заиф; уларга эҳтиёткорлик ва ҳурмат билан ёндашинг. Ўзингизни таништириш учун алоҳида вақт ажратинг ва нима учун улардан интервью олишни хоҳлаётганингизни тушунтиринг. Шошилманг, улар сизнинг саволларингизга жавоб бериш учун тайёр ва ўзларини қулай ҳис қилаётганликларига ишонч ҳосил қилмасдан суҳбатни бошламанг;
- Агар травма қурбонлари/травмадан омон қолганлар қотиб қолгандек туюлиб, гапира олмасалар, интервью ўтказиш ёки улар сиз билан баҳам кўришни истамайдиган айрим тафсилотларни билиш учун уларга босим ўтказманг. Уларнинг шахсий ҳаётини ҳурмат қилинг ҳамда травма қурбонлари/травмадан омон қолганлар ва журналистлар ўртасидаги ҳокимият бир хил динамикага эга эмаслигини ҳисобга олинг. Агар сиз уларни травматик тафсилотлар ҳақида гапиришга мажбурласангиз, сиз уларда ўзлари гувоҳ бўлган ҳужум ёки қоидабузарлик пайтида юзага келган аломатларни келиб чиқишига сабабчи бўлишингиз мумкин;
- Травматик ҳодисалар ва тажрибалар ҳақида хабар беришда ўз ҳис-туйғуларингизни билинг ва хабардор бўлинг, травма қурбонлари/травмадан омон қолганлар билан соғлом масофани сақланг. “Ҳаддан ташқари ҳамдардлик” ка мойиллик хавфи бўлиши мумкин ҳамда суҳбатдошингизга ҳам, сизнинг ахборотингизга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.



ilo.org

